# Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 204 (7. 893) ◆ 1991 йил 22 октябрь, сешанба ◆ Нархи 8 тийин


Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ҳужжатлари лойиҳалари—муҳокамада

## ХДП: ТУБ МОҲИЯТ — ИНСОНПАРВАРЛИК

**Шу йил 1 ноябрда Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг таъсис қурултойи ўз ишини бошлайди. Тошкент шаҳар партия комитетининг котиби Х. М. Абдураимов янги партия Дастурини ишлаб чиқиш бўйича комиссия аъзоларидан биридир. Унга янги партияни шакллантириш ва бўлажак қурултойга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳига раҳбарлик қилиш ҳам топширилган. Муштарийларимизнинг тузилаётган янги партия тўғрисида батафсилроқ маълумотлар бериш тўғрисидаги илтимосларини инобатга олган ҳолда Х. М. Абдураимовга қатор саволлар билан мурожаат қилдик.**

— Энг аввало муштарийларга ушбу суҳбатда фақат ўз нуқтаи назаримни, янги партияни, унинг таркиблари, сиёсий ва мафкуравий йўналишларини шахсан ўзим қандай тасаввур этаётганлигим ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимни баён этмоқчилигимни айтмоқчиман.

**— Бу тақдирда, Сизнингча, Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг моҳияти нимада?**

— Янги партиянинг асосий хусусиятларидан бири у парламент типидаги, соғлом фикр, ижтимоий адолат ва тенг ҳуқуқлилик мафкурасига асосланган партия эканлигидир. Унинг ҳозиргача мавжуд бўлган Коммунистик партиядан принципиал фарқлари бор. Жумладан, ХДП КПССдек хусусий мулкчиликни инкор этмайди. Маданият ва тилларнинг қўшилиб кетиши назариясига эса қўшилмайди. Шунингдек, Халқ-демократик партияси «ким биз билан бўлмаса, у бизга қарши» деган муросасиз қоидадан ва амр-фармойишлар беришдан воз кечади. Инсонпарварлик ХДПнинг туб моҳияти, деса бўлади. Бу партиянинг эълон қилинган Дастури ва Низоми лойиҳаларида ўз ифодасини топган.

**— Сиз, Халқ-Демократик партияси парламент типидаги партия, деб айтдингиз. Бундай партиялар ва умуман парламент фаолияти таркиби тўғрисида нима дейиш мумкин?**

— Ҳақиқатан ҳам республикамизнинг бирор фуқароси шу пайтгача парламент партиясининг аъзоси бўлган эмас. Шу сабабли табиийки, биз бундай партия қандай бўлиши тўғрисида ҳали тўлиқ тасаввурга эга ҳам эмасмиз Бироқ, шу типдаги хорижий партиялар фаолиятининг халқаро тажрибаси бор. Биз бу тажрибани ўрганаяпмиз. Шундай экан, республикамизда ҳам бундай партияни тузиш ва самарали фаолият кўрсатиш йўлларини биргаликда излаймиз.

**— Демак, «ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш» эканда?**

— Бугунги кунда бу сўз қанчалик эриш туюлмасин, биз ўқишимиз ва ишлашимиз зарур.

**— Бирор нарсани юксак чўққиларга кўтариш ёки аксинча ер билан чилпарчин қилишга бўлган биздаги эҳтиросларга берилиш кўпчиликка аён. КПССга ҳозирги муносабат бунинг ёрқин мисолидир. Аммо бу партия ўзининг узоқ йиллик фаолияти давомида катта тажриба орттирди. У томондан тўпланган ҳамма ижобий нарсани қатъиян рад этиш тўғри бўлармикин?**

— Янги партияни тузишни бирор нарсани ер билан чилпарчин қилиш, бузиш билан таққосланишини хоҳламас эдик. XIX аср охиридан кейинги бизнинг бутун тарихимиз давомида (миллий маданият уйғониши ва давлатчиликнинг қисқа давридан истисно) Туркистон мустамлака остида бўлди. Ўнқилобдан кейинги даврда большевизм зуғумига дучор бўлди. Бу зуғум миллий хусусиятлари, маҳаллий анъаналар ҳисобга олинмасдан, ҳатто улар инкор этилган ҳолда амалга оширилди.

30-ва 50-йиллар тарихимизда фожиёна из қолдирди. 80-йиллар охирида республикамизга четдан ходимлар олиб келиниши юз минглаб кишилар тақдирини майиб қилди. Эндигина, ниҳоят Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгандан сўнг, суверен давлат халқларининг барча орзу-умидларини тўла-тўкис ифода этадиган партияни тузиш учун ҳақиқий имконият пайдо бўлди.

Бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган, қотиб қолган ақидалар ўз-ўзидан улоқтириб ташланади. Давр ва тарих ҳамма нарсани ўз ўрнига қўяди.

**— 70 йилдан кўпроқ давр мобайнида биз бир партиявийлик шароитида яшаб келдик. Ҳозир Ўзбекистонда амалда кўп партиявийлик пайдо бўлмоқда. Сизнинг фикрингизча, партиялар ўртасидаги муносабатлар қандай йўлга қўйилади?**

— Келажак тўғрисида фол очиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Ҳамма нарсани вақт кўрсатади. Аммо, менинг фикримча, парламентда маданий мулоқот, унинг ташқарисида эса сиёсий рақобат бўлиши керак. Ўзаро муносабатларни эса биз фақат қонун асосига қуришимиз лозим.

**— Ҳатам Маҳкамович, шахсан ўзингиз қурултойдан нималарни кутяпсиз?**

— Биринчи навбатда, республика кўпчилик аҳолисининг энг эзгу орзу-умидларини ифодаловчи Дастур ва Низом қабул қилинишини, албатта. Бу ҳужжатлар кўпчилик кишилар — республикамиз турли минтақаларида яшовчи, турли қарашларга эга ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар иштирокида тайёрланганлигига қарамасдан, уларни қурултойда ҳам, янги партия ташкилотлари йиғилишлари ва конференцияларида ҳам муҳокама этиш Дастур ва Низомни янада тўлдириш, бойитиш имконини беради. Биз асосий мақсадларимиз: иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг гарови бўлган тинчлик, вазминлик, миллатлараро тотувлик сари энг мақбул йўл топишимизга ишонаман.

Суҳбатдош Ирода ҒАНИЕВА.

## ИЛҒОР ФИКРЛИ КИШИЛАР ПАРТИЯСИ

**⊙ Утган жума куни Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Собир Раҳимов район таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг райондаги муваққат ташкилий комитети раиси Б. С. Камолов «Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси район ташкилотини ташкил этиш ҳақида» маъруза қилди.**

— Республика Компартиясининг фавқулодда XXIII қурултойидан кейин жойларда тузилган район ва ҳудудий муваққат ташкилий комитет ҳамда комиссия аъзолари сингари биз ҳам қурултойда ифодаланган қоидаларга мувофиқ ташкилий тайёргарлик ишларини олиб бордик, — деди нотиқ. — Айниқса, Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастури ва Низоми лойиҳалари матбуотда эълон қилингач, ташкилий ишларимиз янада кучайди. Шу туфайли ўтган қисқа вақт ичида Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси аъзолигига қайта рўйхатдан ўтиш учун 2050 нафар илғор фикрли киши ариза берди. 250 киши эса, ХДПси аъзолигига қабул қилишимизни сўраб, ёзма равишда мурожаат этди, Худди шундай ариза билан 4-шаҳар шифохонаси бош шифокори Ҳадия Исаҳоновна Миразимова, Тошкент пиллакашлик фабрикаси директори Бахтиёр Шерматов ва бошқалар ҳам мурожаат этдилар. Бундай илғор фикрли кишилар сафи паразитология ва зоология илмий текшириш илмгоҳида 10 кишини, Тошкент ҳудудий илмий-текшириш илмгоҳида 16 кишини, «Миконд» заводида 7 кишини ташкил этади.

Бугунгача районимиз корхоналари, илмгоҳлари ва ҳудудларидан 2300 киши Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси аъзоси бўлди. 92 жойда Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг бошланғич ташкилотлари ташкил этилди. Бугун сизларнинг иштирокингизда ХДПнинг район ташкилотини ташкил этишимиз лозим. ХДПга аъзо бўлиб кирувчилар сафи кун сайин ортаяпти.

Таъсис конференцияси қарори билан Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг район ташкилоти ташкил этилди.

Шундан кейин Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси район муваққат ташкилий комитети раисининг муовини А. Ф. Крисин «Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастури ва Низоми лойиҳалари тўғрисида» маъруза қилди.

Маъруза юзасидан қизғин музокара бўлди.

**— «Миконд» заводи бош муҳандиси В. Б. Ильганаев:**

— Низомнинг «Партиянинг пул маблағлари ва мулки» бобидаги 38-бандининг энг адоғида берилган «Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг аъзолари ҳар ойда партияга аъзолик бадалларини умумий даромадларининг камида 1 фоизи миқдорида тўлайдилар» жумласига «ойлик маошн 250 сўмгача бўлган партия аъзолари 0,5 фоиз, ундан энб даромад эгаларн аъзолик бадалларини 1 фоиз миқдорида тўлайдилар» деб ўзгартирилишини таклиф қиламан.

Тошкент шаҳар Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари шифохонасининг бош шифокори Э. А. Қурбонов, 2-тиббиёт олийгоҳи ректори Ҳ. Е. Каримов, Тошкент агрегат заводи ходими В. Д. Мамадалиев ва бошқа кишилар ҳам Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг ҳужжатлари лойиҳалари юзасидан қимматли фикрлар билдирдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Низоми лойиҳалари бўйича резолюция қабул қилинди.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Собир Раҳимов район таъсис конференциясида Тошкент шаҳар ХДП таъсис конференциясига делегатлар сайланди ҳамда Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойига делегатлар номзоди таъсия этилди.

Худойназар ҒОЙИБОВ.

## АХБОРОТ

Республикада Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойини чақириш ташкилот комитетининг, жойлардаги янги партияни ташкилий жиҳатдан расмийлаштириш муваққат комитетларининг иши давом этмоқда. Меҳнат жамоаларида, аҳоли истиқомат жойларида 6700 таъсис йиғилиши бўлди. Уларда бошланғич партия ташкилотларини тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилинмоқда, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Дастури ва Низоми лойиҳалари муҳокама қилинмоқда, бўлажак шаҳар ва район конференцияларига делегатлар сайланмоқда. Янги партияга кириш истагини билдирган КПСС аъзоларини рўйхатга олиш давом этяпти. Ҳозирги вақтгача умуман республикада 225 мингга яқин коммунист қайтадан рўйхатга олиш тўғрисида ариза берди. Илгари ҳеч қандай сиёсий ташкилотларга қўшилмаган 38 мингдан ортиқ одам ўз тақдирини Ўзбекистон Халқ Демократик партияси билан боғлашга қарор қилди.

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЖАМҒАРМАСИГА

Ўзбекистон республикасида ишсизликдан ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ ижтимоий жамғармасининг бўлими ташкил этилганлиги ишсизлик келтириб чиқарган ижтимоий кескинликни юмшатишга қаратилган тадбирлардан бирига айланди.

Республикада ҳозир 160 га яқин биржа иш олиб бормоқда, улар меҳнат бозорини барпо этиш ишини бошлаб юборди. Қабул қилинган «иш билан таъминлаш дастури» янги иш жойларини барпо этишни ёўзда тутади. Бир ярим йил ичида уларнинг сони 128 мингтага кўпайди. Булар асосан кооперативлар, кичик корхоналар, касаначиликнинг турли шаклларидир. Мамлакатнинг бошқа минтақаларидаги саноат корхоналарининг цехлари ва филиаллари очилиши мақбул бўлмоқда.

Бозор муносабатларига ўтилгач, корхоналар ҳамда ташкилотларни тугатиш ёки қайта ташкил этиш муносабати билан иш жойи қисқариб кетган одамлар Ўзбекистондаги ишсизларнинг анчагина қисмини ташкил этади. Сўнгги ярим йилдагина республикада салкам 5 минг киши ижтимоий ишлаб чиқаришдан бўшатилди. Булар асосан инженер-техник ходимлар ва хизматчилардир. Ишсизлар тоифасига қўшилганларнинг кўпчилигини 16 — 20 ёшдагилар, шунингдек ёш болали аёллар ташкил этади. Янги ташкилот аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинмаган ана шу тоифаси тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозим.

Аслида ташкилий давр тугади, жамғарма фаолиятининг йўналишлари белгилаб олинди, Ўзбекистон республика акционерлик-тижорат деҳқончилик-саноат банкида 000700235 рақамли ҳисоб варақаси очилди. (Банк коди — 734019), ҳар бир меҳнат жамоаси шу жамғармага маблағ ўтказиши мумкин.

(ЎзТАГ).

## Бугунги кун нафаси

### ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

● Ўзбекистоннинг пахта ҳирмони 4 миллион тоннадан ортди. Бугунги кунда 139 райондан 66 таси, 951 жамоа хўжалигидан 340 таси, 506 давлат хўжалигидан 220 таси йиллик режани бажариб қўйди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Экология ва табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш масалалари комитетининг навбатдаги мажлисида янги қонунлар лойиҳалари ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида қабул қилинган қонунлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

### ИТТИФОҚДА

● Молдова Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи котиби Григорий Еремей Молдова республикаси президентлигига номзодликка кўрсатилди.

● Олмаотада янги партия — Қозоғистон халқ конгрессининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Бу партияга СССР халқ депутатлари, таниқли адиб Олжас Сулеймонов ва жамоат арбоби Мухтор Шаханов бошчилик қилмоқдалар.

● 21 октябрда Россия президенти Борис Ельциннинг таклифига биноан Москвага уч кунлик амалий сафар билан Болгария республикасининг президенти Желю Желев келди. Бу ерда ўтказиладиган музокаралар давомида Россия билан Болгария ўртасида сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги муносабатларни белгилайдиган муҳим ҳужжатларни имзолаш кўзда тутилмоқда.

● Россия президентининг Чечено-Ингушетияда босиб олинган давлат биноларини бўшатиш, Умуммиллий чечен конгресси ижроия комитети томонидан тузилган гуруҳларни қуролсизлантириш хусусидаги баёноти бу ердаги вазиятни янада кескинлаштириб юборди.

● Кеча Кузбасснинг юз минг нафарга яқин тиббиёт ходимлари икки соатлик огоҳлантириш иш ташлашини ўтказдилар. Улар маъмурлардан тиббиётга эътиборни кучайтиришни, иш ҳақлари оширилиши ва турмушлари яхшиланишини талаб этмоқдалар.

### ХОРИЖДА

● Бугун СССР ташқи ишлар вазири Борис Панкин Камбоджа бўйича тинчлик конференциясида иштирок этиш учун Франция пойтахти Парижга келади.

● Ироқ биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мутахассисларига ядровий бомба яратиш устида иш олиб борганликларини тан олди.

● Туркияда бўлиб ўтган сайловларда сайловчиларнинг 30 фоизга яқини Сулаймон Демирель етакчилигидаги Тўғри йўл партияси учун овоз берди. Шу тариқа илк бор ўз вақтида мамлакатнинг ҳозирги Президенти Тургут Озал асос солган ва ҳозир Бош вазир Месуд Йилмаз бошчилик қилаётган консерватив партияси якка ҳокимлигига барҳам берилди. Ушбу сайловлар натижасида Сулаймон Демирель Туркиядаги 1980 йилги ҳарбий тўнтаришдан сўнг биринчи марта коалицион ҳукумат тузиш имконига эга бўлмоқда.

● Жанубий Корея маъмурларининг масъул вакили Америка барча ядровий қурол-яроғлари бу мамлакатдан олиб чиқиб кетилишини маълум қилди.

● АҚШ молия вазирлигининг маърузасига кўра, 1990 йилнинг ўзида Америка компаниялари Кубага ярим миллиард долларга яқин буғдой ва бошқа маҳсулотлар сотганлар. Бу 1989 йилдагидан тўрт баравардан ҳам кўпдир.

Тошкент тажриба-механика заводи жамоасида йиғувчилигангар Сервер Асановнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Чунки бу мураббий мана бир неча йилдирки, ўз ишига маъсулият билан қараб келмоқда. У шу йиллар мобайнида бир қанча шогирдлар етиштирди.

СУРАТДА: илғор ишчи Сервер Асанов.

Ўктам Шарипов сурати.

Келажагимиз—мактабда

## МУАЛЛИМЛАР СИНОВДАН ЎТИШМОҚДА

**● Ўқитувчи — ҳаёт чироғбони. У ёш авлодга илм-фан асосларини ўргатувчи ва таълим-тарбия бериб замонамизнинг ҳар томонлама етук кишиларини етиштирадиган зиёкор инсон. Шундай экан, ўқитувчи тарбия соҳасида ўзи ҳам мукаммал тарбияли, чуқур билимли, маҳоратли, изланувчан ва ташаббускор бўлиши, янгиликларни ҳамда тезкор даврининг талабларини заргарона кузатиб ҳаётга зийраклик билан тадбиқ этиши лозим. Зеро, ҳар бир ўқитувчи биянмаҳоратига, ижодкорлиги ва ташаббускорлигига қараб тақдирланиши, меҳнатига яраша ҳақ олиши керак.**

МАНА шу зарурий ва олижаноб мақсаддан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг халқ таълими бош бошқармасида ўқитувчиларни синовдан ўтказиш комиссиясининг бир неча йиғилишлари бўлди. Унда республика халқ таълими вазирлигининг турли ташкилот ва муассасаларида ишлайдиган энг яхши ўқитувчилар синовдан ўтдилар.

— Ўқитувчиларнинг билим савияси ва касб маҳоратини табақаларга ажратиб иш ҳақи тўлаш халқ таълими ходимларига жуда катта ғамхўрлик бўлди, — деди республика халқ таълими вазирининг ўринбосари, шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи, синов комиссиясининг раиси Ҳамиддулла Қаюмович Йўлдошев. — Ўқитувчиларнинг ўзига хос имтиҳон — синовдан ўтишлари катта масъулият юклайди. Улар ёш авлодга таълим-тарбия берар эканлар, ҳозирги кунда ҳар бир ўқувчидан юксак маҳорат, ижодий изланиш, бола тарбиясида шахсий жавобгарлик каби иқтидорлар талаб қилинади.

Айни шу кунларда Ўзбекистон Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўқитувчилар маошини ошириш, уларга янги категория ва ставкалар белгилаш тўғрисидаги қароридан келиб чиқиб, ўқитувчиларнинг билим савияси ва касб маҳоратини табақаларга ажратиб иш ҳақи тўлаш тадбирлари қизғин олиб бориляпти. Бу синовдан ўтиш осон эмас, албатта. Масалан, ўқитувчи «юқори тоифали мутахассис» бўлиши учун ўқув-тарбия ишида энг яхши кўрсаткичларга эришиши, таълим-тарбия соҳасида шахсий тажрибасини ёки бошқа илғор тажрибаларни ўз фаолиятида тадбиқ этиши, шу билан бирга илмий-педагогик ва тажриба ишларида ҳам ўзини кўрсата билиши керак. Бизда шундай ижодкорлар бор.

Шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш илмгоҳининг услубшунос Турғун Азларов 23 та илмий иш яратган ўқитувчи. Унинг илмий-педагогик ишлари амалда яхши натижалар бермоқда. Шаҳримиздаги 22-ҳунар-техника билим юртининг ўқитувчиси Маъмура Абдувоҳидова ижодий изланишлар олиб боради. У шахсан ўзи ва ўқувчилари иштирокида кўплаб кўргазмали ўқув қуролларини, альбом ва моделларни икки тилда тайёрлаб, дарс машғулотларида кенг фойдаланади, ўқувчилари тайёрлаган моделлар Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ўтказилган кўрик-танловларда яхши баҳоланди. Н. Островский номидаги кашшофлар ва ўқувчилар уйининг рақс тўгараги раҳбари Эркиной Расулхўжаеванинг ёш санъаткорларни тарбиялашдаги хизматлари ҳам диққатга сазовордир. «Юлдузча» рақс дастаси ёш санъаткорлари ўз маҳоратлари билан ҳозирда республикадан ташқарида ҳам обрў-эътибор қозонган. Эркиной Расулхўжаева уларга ўзбек халқ миллий рақслари билан бирга, замонавий хореографик ўйинлар сирини ғоят пухта ўргатмоқда.

Шаҳримиздаги кўплаб халқ таълими муассасалари ва мактабларда ўз касбини севган, маҳоратли, ижодкор ва ташаббускор ўқитувчилар борки, уларнинг ажойиб иш тажрибаларини кенг ёйиш, ибрат олиш, тақдирлаш керак. Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчиларнинг билим савияси ва маҳоратини ўзига хос имтиҳон-синовдан ўтказиш, шарафли касб соҳибларига ўқув-тарбия ишлари сифатини яхшилашда катта масъулият юклайди.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

## ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАДИ

КУНИ кеча шаҳримизнинг Куйбишев кўчасидаги темир йўл ўтган жойда янги қурилиш иншоати ишга туширилди. Бу ишни еттинчи кўприксозлик трестига қарашли 13-кўприксозлар бўлимининг 2-участкаси бунёдкорлари амалга оширдилар. Узунлиги 630 метр бўлган кўприкни Александр Подгорнов бошлиқ кўприксозлар икки йилда қуриб битирдилар. Шу вақт мобайнида ҳаммаси бўлиб, 3 миллион 900 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Ишбошилар Вячеслав Андреев, Равшан Абдуллаев ва Иван Сава, Зокир Темирхўжаев каби моҳир ишчиларнинг меҳнатлари орқали бунёд этилган бу кўприк темир йўл устидан ўтадиган транспортларнинг ҳаракат қилиши учун анча қулайлик яратади.

Султонмурод УМАРОВ.

## «02» хабар беради

⊙ 14 октябрь куни қўлга олинган А. М. тергов давомида бундан аввал, яъни 21 сентябрь куни Тошкент қоғоз фабрикасида ишловчи В. В.нинг уйига ўғирлиқча кириб «Электроника» магнитофони ва 5 та кассетасини ўғирлаб чиққанини бўйнига олди. Ўғирлик ҳақида милицияга хабар берилмаган экан.

● 15 октябрь куни соат 14 дан 30 дақиқа ўтганида Олой бозори атрофидаги атторлик дўкони олдида 1971 йилда туғилган Б. У. Қарағанда вилоятидан шаҳримизга келган Г. В.нинг чўнтагига қўл солиб, 24 сўм пулини олаётганида жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди.

● Шу куни соат 17 да берилган хабарда айтилишича, соат 15 дан 30 дақиқа ўтганида номаълум кишилар Тошкент тайёрагоҳида В. га тегишли бўлган ГАЗ-24 марнали такси машинасини ўғирлаб кетишади. Милиция ходимлари Толибов, Аҳмедов, Войбўсинов, Шодиҳўжаевлар кўрган чора-тадбирлар туфайли машина ўғриси, ҳеч қаерда ишламайдиган О. В. қўлга олинди.

⊙ 15 октябрь куни соат 15 дан 30 дақиқа ўтганда берилган хабарда айтилишича, соат 13 да Вокзал атрофидаги майдондаги «Шарқ» дўкони олдида 1963 йилда туғилган Д. И. олдин судланган бўлишига қарамай 1973 йилда туғилган, Тошкент вилоятида яшовчи Н. Т. нинг чўнтагига қўл солиб 340 сўм пулини олаётганида жиноят қидирув бўлими ходимлари Пан, Ёқубов, Шермуҳамедов, Бегматов томонидан қўлга олинди. Унинг чўнтаклари текширилганда икки грамм наркотик модда топилди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи.

## СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

**МОСКВА, 21 октябрь ТАСС парламент мухбирлари Кремлдан хабар қиладилар:**

Бугун Кремлда эрталаб соат ўнда янги таркибдаги СССР Олий Кенгашининг биринчи сессияси очилди. Сессияга РСФСР, Белорусь, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон вакиллари келдилар.

Палаталар мажлислар залига СССР Иттифоқи Давлат байроғи ва СССР Олий Кенгаши ишида қатнашаётган республикаларнинг давлат байроқлари ўрнатилган. СССР Президенти Михаил Горбачев сессияда иштирок этмоқда, унинг парламент аъзолари ҳузурида сўзга чиқиши кутиляпти.

СССР Президенти Михаил Горбачевнинг 25 минут давом этган нутқидан сўнг СССР Олий Кенгаши биринчи сессиясининг қўшма мажлисида соат 16 га қадар танаффус эълон қилинди. Танаффусдан сўнг сессия палаталар — Иттифоқ кенгаши ва республикалар кенгашининг алоҳида-алоҳида мажлисларида ишни давом эттиради.

Палаталар мажлислари бошланғунига қадар депутатларга ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун республика вакилларининг кенгашларини ўтказиш таклиф этилди.

## ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҚУРУЛТОЙИ

Қизғин баҳс ва мунозаралар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўнинчи қурултойининг ўзига хос белгиси бўлди. Иккинчи масала — ижодий уюшма раҳбар органларини сайлаш жуда ўткир тусда ўтди ва натижасиз бўлиб чиқди. Шунинг учун бу масалани кейинроқ кўриб чиқишга қарор қилинди. Қурултойнинг иккинчи босқичини чақириши келиштириш комиссияси хабар қилади, у вужудга келган вазиятда муроса йўлини топиши ва ушбу масалани муҳокама қилиш вақтини белгилаши керак.

СССР Ёзувчилари қурултойига делегатлар сайлаш билан боғлиқ масала ҳам очиқ қолди. Бу масала ҳам қурултойнинг иккинчи босқичига ўтказилди. Шу билан бирга анжуман делегатлари мамлакат ёзувчилар уюшмаси билан мустаҳкам алоқада бўлишни, бошқа республикалардаги қаламкаш биродарлар билан ҳамкорликда иш кўришни ёқладилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби Одил Ёқубов қилган ҳисобот маърузасини муҳокама қилиш ғоят қизғин тусда ўтди. Съездлар орасида ўтган беш йил жўшқин воқеаларга — қайта қуриш муносабатлари, демократия, ошкоралик вужудга келиши ва ривожланиши билан бир вақтга тўғри келганлиги таъкидланди. Шу билан бирга бу даврни мураккаб зиддиятлар четлаб ўтмади, ижодий уюшма фаолиятига бу ҳам ўз таъсирини ўтказди. Айни вақтда уюшма ўз ишида ёзувчилар кучини жипслаштиришга, ижодий жараённи такомиллаштиришга интилди. Шу масала юзасидан музокараларда қарийб 50 нафар нотиқ сўзга чиқди.

Қурултой қатнашчилари хорижда яшаётган ватандош адиблар билан алоқаларни фаоллаштиришни таклиф этдилар. Зотан ёзувчи Нурали Қобулнинг германиялик танқидчи социолог, ўнта китоб муаллифи Бойминза Ҳайтни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қабул қилиш ҳақидаги таклифи қўллаб-қувватланди.

Қурултой ижодий уюшма тузилишини кўриб чиқди. Бундан кейин бошқарув ўрнига кенгаш, котибият ўрнига ҳайъат фаолият кўрсатади. Уюшмага аввалгидек биринчи котиб эмас, раис бошчилик қиладн.

Қурултойнинг иккинчи куни унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б. А. Назаров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров раислик қилдилар.

Эльмира ТУХВАТУЛЛИНА, ЎзТАГ.

## Муштарий хабар беради...

# «НУРАФШОН» ҚОШИДА

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Октябрь райони ҳудудида жойлашган «Нурафшон» ўсмирлар клуби фаолияти янада жонланиб кетди. Эндиликда бу ерда ўсмирлар соғлиғини тиклаш ва мустаҳкамлашга қаратилган малакали муолажалар олиб боришни йўлга қўйиш тадбирлари кўрилмоқда.

Гап шундаки, клуб шаҳар наркология диспансери билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ўзаро келишувга биноан ушбу шифобахш даргоҳ «Нурафшон» клуби ҳузурида махсус ихтисослашган даволаш марказини очишга киришди. Бунинг учун маданият ўчоғида қўшимча қурилишлар олиб борилиб, зарур шарт-шароитлар муҳайё этилди.

Мазкур марказни малакали шифокорлар ҳамда тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш кўзда тутилди.

**Сурайё ОМОНОВА.**

## ...мақтайди

# МУСИҚАГА ҲАВАС

БУГУНГИ ҳаётимиз қанчалик қийин ва серташвиш бўлмасин, элу юрт ғамида юрган кишилар орамизда кўп. Халқимиз маданияти ва фаровонлигини ошириш борасида кўп йиллар мобайнида ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган, ўз касбини ардоқлаган инсонлардан бири Людмила Андреевна Марзенкодир. У йигирма беш йилдирки маданият соҳасида ишлаб келаётир. Айни пайтда Тошкент шаҳар ва вилоят касаба уюшмаларарo маданият марказига раҳбарлик қилади.

— Айтингчи, маданият соҳасида йигирма беш йил ишлабсиз. Бу бир йигитнинг умри. Сизни айнан шу соҳада ишлашингизга нима сабаб? — деб сўрадим опадан.

— Ёшлик чоғимданоқ мусиқага бўлган орзу-ҳавасим мусиқа ўқув юртига олиб келди. Маданият соҳасига илк қадам ташлашим ҳам мана шу даврдан бошланган эди. Маданият олий билимгоҳини тугатганимдан сўнг, меҳнат фаолиятимни бадиий ҳаваскорлар тўгарагига раҳбарлик қилишдан бошлагандим.

— Шогирдларингиз ҳам бордир?

— Шунча йил ишлаб шогирд етиштирмасдан бўладими? Бугунги вақтда улар жумҳуриятимизнинг турли маданият масканларида меҳнат қилаётирлар.

— Оилангиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Икки қизим ва неварам бор. Катта қизим ҳам менинг изимдан кетди. Ҳозир у маданият саройида услубчи бўлиб ишламоқда.

— Ўзингиз танлаган йўлдан бахтлимисиз?

— Умуман ўзимни бахтли деб биламан, негаки халқ хизматида бўлиш, уларнинг қувончига қувонч қўшишнинг ўзи катта бахтку. Яқинда маданият ходимларини иқтисодий жиҳатдан муҳофазалаш мақсадида «Маданият ва ҳаёт» хайрия марафонини ўтказган эдик. Ҳозир уларнинг иқтисодий жиҳатдан ўсиши йўлида бир қанча ижобий натижаларга эришмоқдамиз.

— Маданиятимиз ривожи учун қўшаётган ишларингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилайман, — дедим суҳбатимиз сўнггида.

**Ботир ЮСУПОВ.**

## ...муносабат билдиради

# ИХЧАМ ЎТСА

«ТОШКЕНТ оқшоми» рўзномасининг 13 сентябрь сонида «Кўпнинг кенгашига» рукни остида босилган мақолалар менда чуқур таассурот қолдирди. Мен уларда билдирилган фикрларга тўла қўшилган ҳолда ўзимнинг баъзи бир мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман.

Яқинда қўшнимизникида тўй бўлди. Ҳар доим тўй бўлсин. Тўй — бу яхши нарса. Аммо ўша тўйда соат тунги 11 бўлсада, ёш болалар даврадан кетишмагач, «Бу болаларнинг отаонаси борми ўзи», десам «Ҳаммамиз ҳам кичик бўлганмиз, сизга нима, ўйнайверишсин» деган гап эшитдим. Менимча, ҳар 2 ёки 3 кўчага бир уддабурон йигит танлаб, уни тўйларда тартиб назоратчиси этиб қўйса яхши бўларди.

Энди куёв келдига келсак, автобусга ёш болаларни чиқармасдан фақат куёвнинг дўстлари ва тенгқурларинигина чиқариш керак. Нега мен бундай деяпман? Бунинг сабаби бор, албатта! 29 сентябрда Бешқайрағоч даҳасига тўйга борган эдик. Не кўз билан кўрайки, айвон тўла ёш бола. Улар кетишгандан кейин айвонни таниб бўлмади.

Буларни ёзишдан мақсадим, тўйлар ихчам ва тартибли ўтса, дейман. Ушбу хатни ўз бригада аъзоларим билан биргаликда ёздим.

**Матлуба ЭРГАШЕВА,**
**Тошкент реле ва автоматика заводи меҳнат фахрийси.**

## ...илҳомланади

# ЕТМАГАЙ МАДҲИНГГА ДОСТОН

Сен билан бўлгай мунаввар кенг жаҳон, ўзбек тилим.
Қудрати оламга машҳур, жонажон ўзбек тилим.
Мир Алишер шуҳратидан бўлди дунё баҳраманд,
Шеърият бўстонидан ҳам бепоён ўзбек тилим.
Мирзо Бобур ўзга юртда ўтди сенга зор бўлиб,
Барчанинг меҳрни қозонган, меҳрибон ўзбек тилим.
Сенга туҳмат, таъна тошин отди кўп душманларинг,
Неча тазйиқ, неча таҳқирдан омон ўзбек тилим.
Сенда имкон беҳисобдир, сенда мазмун ранг-баранг,
Майли минг бор айласинлар имтиҳон ўзбек тилим.
Битмагай ўрганса тинмай фозилу алломалар,
Сенда кўп очилмаган сирлар ниҳон ўзбек тилим.
Битди Маҳмуд бир ғазал, бу денгизингдан томчидир,
Етмагай мадҳингга юз — минг достон, ўзбек тилим.

**Маҳмуд ҲАЙДАРОВ.**

## ...таклиф этади

# БЎШ ШИША МАШМАШАСИ

ҚУШНИЛАРИМДАН бири бир куни боласини соладиган аравачага 30—40 чоғли бўш шишани олиб ғоҳ у дўконга борди, ғоҳ бу дўконга ўтди. Шўрликни кўриб, тўғриси ачиниб кетдим. Охири тўхтатиб, «Бу бўш шишаларни нега олиб юрибсиз, ахир топшириб юборсангиз бўлмайдими?» десам «Йўқ топширолмайман. Чунки дўконларда яхна сувларни бўш шиша бермасангиз сотиб ололмайсиз, отахон. Ҳозир шундай қонун чиққан. Икки кундан буён пойлайман яхна сувдан, айнан Тошкент минерал сувидан дарак йўқ. Ошқозоним, жигаримнинг оғриқларини шу сув орқали енгганман. Аҳвол эса мана бундай оворaю-сарсонгарчилик», дея арз қилиб қолди. Ана холос, дедиму ўзимча одамларга қулай бўладиган томонларни ўйладим. Нима қилиш керак? Шу саволни ўзимга бердиму, қуйидаги таклифлар менга тинчлик бермади. Уларни хатга туширдим.

1. Оз миқдорда сотиладиган ичимликларни шиша талаб қилмасдан бериш керак.

2. Тўйларга олинадиган ичимлик шишаларини қайтариб бериш шарти билан берилса ва бунинг учун ҳужжат ёки пул ғаровга олиб қолинса. Албатта буни халқ ўргангунга қадар, кейинчалик тўйдан сўнг ўзлари ҳам топширишга одатланиб қолишади.

3. Савдо ташкилотларининг машиналари баланд қават уйлар олдига, маҳаллаларга келиб бўш шишаларни сотиб олса. Ёки яна бошқа қулай томонларини ўйлаб топиш мумкин.

4. Даҳа ва мавзелар атрофида сотиладиган 50 тийинлик музқаймоқлар шишаларга алмаштирилса ва ҳоказо.

Фақат бу ҳақда шаҳар аҳолисига рўзнома, ойнаи жаҳон ва ҳаво тўлқинлари орқали тушунтириш олиб борилса тўғри келади. Агар мана шундай тарғибот ишлари олиб борилса баланд қаватли уйларнинг торгина пешайвонида, ҳовлиларнинг бурчакларида ётган бўш шишалар хор бўлмасмиди деб ўйлайман.

**Исомиддин ЭРБЎТАЕВ,**
**2-гуруҳ ногирони.**

## ...ёрдам сўрайди

# У ЙЎҚ, БУ ЙЎҚ

ҲУРМАТЛИ «Тошкент оқшоми» муҳарририяти! Биз истиқомат қилаётган Сергели районининг 8-ва» мавзесида савдо дўкони, уй ҳамда коммунал хизматлар ҳақини тўлайдиган омонат касса, лоақал рўзнома ва ойномалар сотиб олишга дўконча ҳам йўқ. Мавзеда алоқа бўлими йўқлиги туфайли бўлса керак, обуна бўлган рўзномаларимизни ўз вақтида келтириб беришаётгани йўқ. Олдиндан эрталаб машинада сут олкелиб туришарди, ҳозир у ҳам йўқ.

Шундай бўлгач, уй ҳамда коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашга, нон ва бошқа маҳсулотлар харид қилишга ёнимиздаги 7- ва 8-мавзеларга бориб навбат кутиб туришга мажбур бўлаяпмиз.

**Х. ШОЙМҚУЛОВ.**

## Ўтмишнинг кўҳна саҳифалари

# ЧИНГИЗХОН ҚАБРИ ИЗЛАНМОҚДА

БИРЛАШГАН мўғул-япон тадқиқотчи гуруҳининг аъзолари Чингизхоннинг дафн қилинган гўрини топишга яқин фурсат қолди, деб маълум қилди. Мўғул олимларининг ўн йиллар давомида олиб борилган маълумотларига қараганда, Жаҳонгирнинг қабри Мўғулистоннинг Шимолий қумли аймоғидаги тоғ остида бўлиши керак. «Инсоният устидан ғалабага эришган» атоқли саркарданинг тобути шу ерда деб тахмин қилинмоқда.

Япон олимлари Ер сунъий йўлдошидан олинган маълумотларга асосланиб, вертолётлардан аэросуратларни туширишган. Шунингдек, бу ишда ўта сезгир электронли аппаратлар қўлланилган. Буллар ер остидаги одам кўмилган жойларни аниқлашга имконият беради. Агар бу тоғдаги қабр Чингизхоннинг гўри бўлмаса, унинг 13 ўринбосарининг сўнгги макони бўлса керак, дейилмоқда. Бу ўн тўрт гўрнинг бири Хитойга ҳукмдорлик қилган унинг набираси Қубулайхоннинг гўри деган тахмин ҳам бор.

Тарихнинг шоҳидлик беришича, Чингизхон жуда маҳфий равишда дафн қилинган. Унинг авлод-аждоди Чингизхон вафот этган Сариқ дарёнинг (Хуанхе) ҳозирги Хитой ҳудудидаги жойида барча гувоҳларни ҳам ўлдиришган. Буюк сайёҳ Марко Полонинг ёдномаларига қараганда, ўша вақтда Чингизхонни дафн этишда қатнашган 20 минг одам қириб ташланган. Менгухон дафн этилганда ҳам шунча одам қурбон қилинган. Кўплаб қора мол ва қуллар у дунёда хонга керак бўлади, деб бирга дафн этилган. Маҳаллий ривоятларга қараганда марҳумлар билан кўп миқдорда олтин ва кумуш ҳам кўмилган.

Олимлар Хенгэ аймоғидаги маҳаллий одамлардан сўрашганда, саксон саккиз ёшли саёҳатчи ўзининг болалик даврида Чингизхон ҳақида эшитганларини шундай ҳикоя қилган:

«Туркнинг бир саркардаси унинг жасадини Ватанга олиб келган. У тобутни тўрт ерга кўмиб, у ерга уч ой бўйи минглаб отларни ёйдирган. Шундан кейин кимда-ким гўрни топса, унга мукофот берилади, деб жар солган. Бироқ гўрни ҳеч ким топа олмаган».

Шунга қараганда 240 квадрат километр ерни эгаллаб ётган сунъий тоғ сўнгги ҳуфияни яшириб ётган бўлиши керак. Дархатқ қабиласи ҳеч қаёққа кўчмай, шу ерда етти юз йил муқим яшаган. Бироқ, асримизнинг биринчи ярмида уларни мажбуран бошқа томонга кўчиришган. Шундай қилиб, қумли аймоқ қашқирлар изғиб юрадиган кенг сайҳонликка айланди.

Вақт бу тоғнинг сирини яшириб келди. Мўғулистонда ҳам, демократия сари юз ўгирилганлиги оқибатида эски «доғ»ларга аниқлик киритишга киришилди. Японнинг «Иомури» рўзномаси янги тадқиқот гуруҳига маблағ ажратишга қарор қабул қилди. Бироқ қанча маблағ ажратилгани ҳозирча номаълум.

Маҳаллий элатлар ҳар хил йўллар билан қазилма ишларни олиб боришга қаршилик билдиришмоқда. Уларнинг асосий мақсади Чингизхоннинг гўрига қўл тегдирмаслик. Ривоятларда айтилишича, Чингизхоннинг мангулик уйқусини бузган тақдирда эл бошига қора кун тушади. Шу ўринда профессор Михаил Герасимов бошлиқ гуруҳнинг машҳур соҳибқирон Амир Темурнинг гўрини очган куннинг эртасига, худди ривоятда айтилганидек, даҳшатли воқеа амалга ошганлигини мисолга келтирадилар. Яъни, Амир Темурнинг гўри очилган куннинг эртасига, 1941 йил 22 июнда Ватанимизга фашистлар ҳужум қилиб, қирғинбарот уруш бошланган.

Янги тадқиқот гуруҳининг раҳбари профессор Бадам Катан — мўғул этнографи У Москва дорилфунунининг талабаси. Герасимовнинг шогирди. У ўша ривоятга асосланиб, бундай дейди:

«Бизнинг ҳаммамизнинг биргина фикримиз бор. Бу — гўрни очмаслик. Агар мўғул халқи шунга рози бўлса, биз ундан ҳатламаймиз. Бизнинг мақсадимиз — уни сақлаб қолиш». Бироқ, Б. Катан бу ерда бошқа хонларнинг гўри топилиб қолгундай бўлса мурдалар очиб кўрилишини айтган.

Мўғулларнинг кўпчилиги Чингизхоннинг жасади топилса, хитойликларнинг фикрига қаттиқ зарба берилишини айтишмоқда. Чунки хитойликлар, «Чингизхон мўғул эмас, хитой, у хитой заминига дафн қилинган» деган фикрдалар.

**Матбуот хабарлари асосида**
**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлаган.**

# РЎЗНОМА— МУШТАРИЙ— РЎЗНОМА

## ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ШИФОХОНАСИ

ЎРТА Осиё темир йўли бошқармасига қарашли 1-клиник шифохонаси Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси ёнидаги эски бинога жойлашган. Шунга қарамай, темирйўлчилар ҳозирча шу ерда ўз саломатликларини тиклашмоқда. Бошқарма мутасаддилари эса шаҳримизнинг Назарбек қишлоғида замонавий, тиббиётимизнинг энг янги жиҳозлари билан таъминланадиган янги шифохона қуришга киришдилар.

Шифохона учун қулай жой ажратилди. У тепалик ён бағрига жойлашган бўлиб, кўриниши жиҳатидан ҳаммани назарини ўзига тортади. Теварак-атрофи боғ, соясалқин ерга жойлашган.

Мазкур касалхона 1000 ўринли. Палаталар фақат 2—3 беморга мўлжалланган. Бу эса ўз навбатида беморлар учун жуда қулай. Бугунги кунга келиб, бинонинг 500 беморни даволай оладиган қисми ишга туширилди. Ҳозир бунда беморлар дам олиб, даволанишмоқда.

Шифохона лойиҳаси ҳам ўзгача. У СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги лойиҳалаш илмгоҳи мутахассислари томонидан Германия ва Швейцария шифохоналари андозасига хос тайёрланган лойиҳа асосида қад кўтармоқда. Бир хилдаги биноларни қураверив ўрганиб қолган қурувчилар, шифохонани бу лойиҳа асосида тиклашда бирмунча қийинчиликларга дуч келишди. Чунки у кўп қиррали ҳамда турли паст-баланд меъморчилик кўринишига эга.

Шунингдек, шифохонанинг ёнгинасида шу ерда ишлайдиганлар учун 162 хонадонли турар жой биноси ҳам қад ростламоқда. Бундан ташқари кичкинтойлар учун 320 ўринли болалар боғчаси ишга туширилади.

Ҳозирда Сергелида жойлашган Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига қарашли тиббиёт билим юрти ҳам шифохона ёнидан ўрин олиб шу ерга кўчирилади. Билим юрти ҳозиргидек анча катта бўлиб, унда бўлғуси ҳамширалар учун ҳамма шароитлар яратилади.

— Бу ўқув маскани 720 ўқувчига мўлжалланган, — дейди билим юрти директори Анвар Мираъзамов. — Улар билим юртида олган назарий билимларини ёнгинасида жойлашган замонавий шифохонада амалда мустаҳкамлайдилар. Бу эса талабалар учун яна бир ўзига хос қулайликдир.

Ҳа, янги шифохонанинг келажаги порлоқ. У ерда тиббиётимизнинг энг замонавий даволаш усулларидан фойдаланилади. Касалхона чет элда тайёрланган жиҳозлар билан таъминланади. Хуллас, бу ерда беморларнинг яхши даволанишлари учун ҳамма шароит яратилади.

**Холмат МИРЗАКАРИМОВ.**

**СУРАТДА: шифохона биносининг умумий кўриниши.**

Муаллиф сурати.

## Акс садо

# ОЧИЛМАГАН ҚЎРИҚДАЙ

ЯҚИНДА «Тошкент оқшоми» рўзномасида ажойиб инсон ва давлат арбоби Нуриддин Акрамович Муҳитдиновнинг Тошкентимиз тарихи ҳақидаги «Она шаҳрим — Тошкент» суҳбатларини ўқиб, ғоят хурсанд бўлдим.

Қадимий шаҳримизнинг тарихи билан ёшларимизни ошно қилиш ҳозирги қарияларимизнинг муштарак бурчи. Уларнинг оз бўлса-да берган маълумотлари ёшларимиз учун қимматлидир. Мен Улуғ Октябрь инқилобини ўн ёшда қарши олганлардан бириман, ўша кезларда Хадрадаги рус-тузем мактабининг биричи синфида ўқирдик. Ичимизда ҳатто, уйланганлар ҳам бор эди. Маҳалламиз «Қози кўча» ўша вақтларда довруқли эди. Эски Жўва бизга яқин бўлганидан у ердаги цемент йўлкада ошиқ ўйнашни хуш кўрардик. Ўша инқилобий кунларда баъзи одамлар Эски Жўвадан тезроқ, шошилиб ўтар, бошларида папақ, эгиларида шинель, ёнларида маузер осишганларга кўзи тушганлар орасида гоҳо калима келтириб ўтувчилар ҳам йўқ эмасди. Аммо болалар ҳадиксирамас, қўрқмасдан ўйнаша берарди.

Тахтапул бизга «она маҳалла». Хон замонасида Себзор даҳа Чигитбоши маҳаллаларидан Тахтапулга келин бўлиб тушган саводхон Хонбибим 1924 йили саксон ёшларида вафот этдилар. Бувимизнинг русларнинг Тошкентни қамал қилиб, уни ишғол этганларини айтиб берганлари кечагидай ёдимда!

— Пишиқчилик эди, — ҳикоя қилар эдилар отин бувим, — халқ курашга отланган, ғазот... Ҳар ким қўлига тушган қурол— болтами, ўроқ, мерганларда эса милтиқ, камонларда ўқ, ёй, палахмон билан қуролланган. Шунда Тахтапулдаги «Уч кўча»нинг оғзига ёв бостириб кирмасин, деб аравалари қалаштириб ғовлар солишганди.

Хонбибим хотирасини давом эттириб, дер эдилар: — Акам хон замонасида, ўрислар келмасдан бурун ҳам амалдор эдилар. Шу ҳақда эшитган Тошкентнинг янги ўрис ҳокими акамни чақириб, унга мингбошилик лавозимида ишлашлари ва ерли аҳоли емайдиган потинжон (помидор), картошка каби экинларни эктириш учун шаҳар яқинидаги ялангоч, қўриқ ерларга сув чиқариш ишларини юклайди. Ўшанда тахтапуллиқ куёвлари Саидаҳмадхўжа, Шофайзихўжани чақириб тушунтирадилар. Ўша кезларда деҳқон боболаримизнинг Юнусобод яқинидаги Болтамозор мавзесида боғлари бўлиб, боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланишар эканлар. Натижада Тошкент шаҳрининг кун чиқишидаги ялангоч ерларда ариқлар қазилади. Оқтепа, Ивиш, Қиғироқ, (Қиғирариқ), Дархон шаҳар яқинигача бўлган ерлар бу сувлардан баҳраманд бўладилар. Боғ-роғлар, экинли ерлар очилиб, Тошкент шаҳрининг Себзор даҳасига қарашли Тахтапул, Дарбозакент, Себзор, «Қози кўча» ва бошқа маҳаллалардан далаларга чиқишиб, боғдорчилик ва деҳқончилик қиладилар ва кузда қайтадилар...

Шаҳримизнинг очилмаган қўриқлари кўп. Кўплашсак тарихимиз янада бойишига аминман!

**Раҳмат АЗИЗХЎЖА,**
**Қибрай районидаги «Ўн қўрғон» маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси.**

## «Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

# «ПУЛИНГ БЎЛСА»

**«Тошкент оқшоми»да юқоридаги сарлавҳа остида шаҳардаги такси машиналарининг баъзи ҳайдовчилари йўловчилар ҳақига хиёнат қилаётганлиги ҳақида таниқлиги мақола берилган эди. Шу мақола юзасидан Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш бош бошқармаси 5-таксомотор саройи директори Р. Собировдан қуйидаги жавобни олдик.**

— Рўзномада эълон қилинган юқоридаги сарлавҳа остидаги мақола 5-таксомотор саройи маъмуриятининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. Мақолада келтирилган далиллар асосан тасдиқланди. Йўловчиларнинг ҳақига хиёнат қилиш ҳоллари ҳозир ҳам учраб турибди. Шу муносабат билан таксомотор саройи ҳайдовчилари мижозлардан ҳақ олиш қоидалари билан қўшимча таништириб чиқилди.

52-73 ТНА автомашинасининг ҳайдовчиси Ўлмасовнинг хатти-ҳаракати кенгайтирилган мажлисда қаттиқ танқид остига олинди. Саройда машиналарнинг йўлга чиқиш жадвалини текшириш кучайтирилди. Бу қоидага амал қилмайдиганларга қаттиқ жазо бериладиган бўлди.

Молиявий интизомни бузганлиги учун ҳайдовчи Ўлмасовга корхона маъмуриятининг 313-буйруғи билан ҳайфсан эълон қилинди.

## ЭЪТИБОРНИ ТОРТДИ

# ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАР

«Ёввойи қушлар» деб аталган рефератлар шаҳримиз мактаблари ўқувчилари орасида оммалашди. Сайроқи қушларни боқиш ва кўпайтириш хусусида фикр юритувчи мазкур ёзма ишлар Тошкентдаги 151-ўрта мактабнинг еттинчи синф ўқувчилари кузатишлари натижаси ўлароқ юзага келди.

Яқинда Тошкентда ўтказилган сайроқи ва манзаралі қушлар жумҳурият кўргазмасида мазкур изланувчан иқтидорли болалар олиб келган қушлар кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

**Анвар АКРОМОВ.**

## Обуна—92

# «ОҚШОМ»—ФАРҒОНАДА ҲАМ СЕВИМЛИ

АЙНИ шу кунларда рўзнома ва ойномаларга обуна бўлиш қизғин давом этяпти. Бироқ, рўзнома ва ойномаларга обуна нархи қимматлашгани учун 1992 йилга ёзилиш бирмунча қийинроқ кечяпти. Бу муштарийларни ҳам, мухбирларни ҳам танг аҳволга солмоқда. Лекин «қўл қисқа» паллада муштарий ўзи жуда севган, қадрдон рўзномасига қандай бўлмасин, бир илож қилиб ёзилади. Ана шундай рўзномалардан бири — «Тошкент оқшоми»дир.

«Оқшом» Фарғонада ҳам муштарийлар меҳрини қозонган. Ундан маънавий озуқа оламиз. Шу билан бирга, маслаҳатгўйимиздир. Айниқса, у киши дилидаги гапларни, дарду ҳасратини, орзу-армонларини ёзадиган халқчил рўзнома. Биз фарғоналик муштарийлар рўзнома саҳифаларидаги «Дам олиш оқшомида», «Сиҳат-саломатлик», «Қулгихона», «Одобнома» каби рукнларни сабрсизлик билан кутамиз.

Мен ўзим яшаб турган ҳудуддаги алоқа бўлимида рўзнома ва ойномаларга обуна бўлаётганимда, бир талай муштарийлар «Тошкент оқшоми»га ёзилишаётганининг гувоҳи бўлдим ва улардан баъзиларини суҳбатга чорладим.

**Муштарий Рўзихон Эминова:**

— Мен «Оқшом»ни жуда қизиқиб ўқийман. 1991 йилда айрим сабабларга кўра ёзила олмаган эдим. Рўзнома дўконларда жуда кам сотилар скан. Баъзи сонларини ўқий олмасдим, ёзилмаганимга пушаймон бўлган эдим. Мана, 1992 йилга тўла обуна бўлдим. Энди «Оқшом» «ўз оёғи» билан уйимизга ўзи кириб келаверади.

**Муштарий Толибжон Сотиболдиев:**

— «Оқшом»ни мунтазам ўқиб бораман. Бироқ, биз томонга анча кечикиб келади, доим зориқиб кутамиз. Мен унга ихлос билан ёзилдим. Тилагимни ҳам айтай. Ота-боболаримиз анъаналарини, урф-одатларимиз борасида кўпроқ қизиқарли мақолалар юз кўрсатсин, биз уларни роҳат қилиб ўқийлик.

**Муштарий Каримжон Юнусов:**

— «Оқшом» шахсан мен учун қадрдон, дўст. У ҳаёт тушунчаларимизни янада бойитади. Рўзнома саҳифасида ўлкамиз наботот олами борасида кўпроқ мақола ўқишни истар эдим.

... Алоқа бўлимида «Тошкент оқшоми»га ёзилаётган муштарийларнинг кўпидан дил сўзларини олиб улгурмадим, албатта. Шунда кўнглимдан: «Оқшом» — Фарғонада ҳам севимли рўзнома» деган фикр ўтди ва уни муҳарририятга ёзиб юбордим.

Шу ўринда бир мулоҳазани ҳам айтмоқчиман. Баъзи алоқа бўлимларида, «Тошкент оқшоми» — шаҳар рўзномаси, унга вилоятларда обуна қабул қилинмайди, деб ўйлашади. Йўқ, асло бундай эмас! «Тошкент оқшоми»га Ўзбекистоннинг ҳамма ҳудудида ҳеч бир чекланмаган ҳолда обуна қабул қилинмоқда.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ.**

**Фарғона шаҳар Оқариқ алоқа бўлими, Оқариқ кўчасидаги 492-уйда истиқомат қилувчи доришунос.**

**Муҳарририятдан: «Тошкент оқшоми» рўзномасига обуна бўлаётган фарғоналик барча муштарийларга ва уларга бу борада сидқидилдан хизмат қилаётган алоқа бўлимларидаги ходимларга, айниқса Оқариқ алоқа бўлими хизматчиларига дил ташаккуримизни билдирамиз.**

# ЁШ КЕЛСА ИШГА...

АКМАЛ Икромов райони ёшлар комитетида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилади. Кейинги вақтда меҳнат фахрийларига ёрдам кўрсатиш ҳам кенг тус олиб бормоқда.

Нафақахўр Гавриил Петрович Скуйбеда район ижроия комитетига уй-жой масаласида, яъни юқори қаватдаги уйни пастги қаватга алмаштириш хусусида мурожаат қилган эди, унинг шу илтимоси қондирилди. Аммо озми-кўпми уй-рўзғор анжомларини кўчириб бериш учун унинг ёрдамчилари йўқ. Шу сабабдан ҳам ёшлар комитетидан ёрдам сўради.

Комитетнинг биринчи котиби Шавкат Эргашев ва у билан меҳнат қилаётган ёшлар тушлик чоғида Гавриил Петровичнинг бор анжомларини бошқа уйига кўчириб беришди. Отахон бундан беҳад мамнун бўлди.

Ногиронларга ёрдам, фахрийларга кўмак хусусида Акмал Икромов райони ёшларидан ўрнак олса арзийди.

**Гули АБДУЛЛАЕВА.**

**СУРАТДА: Гавриил Петрович Скуйбедага ёрдамга келган ёшлар.**

Засим Соколов сурати.

Олий таълим: янгиланиш даври

# ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТГА — МАЛАКАЛИ ҲУҚУҚШУНОСЛАР

**● Давр талаби билан Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик олийгоҳи ташкил этилгани муҳим воқеа бўлди. Бу илм масканда биринчи ўқув йили қай йўсинда бошланди, жамоаси, мураббийлари ва талабалари олдида қандай муаммолар турибди, унинг келажаги қандай тасаввур этилмоқда? Шу каби саволларга олийгоҳ ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Анвар Аъзамович АЪЗАМХЎЖАЕВдан жавоб беришни илтимос қилдик.**

— Тошкент Давлат дорилфунунининг собиқ ҳуқуқшунослик факультети заминида давр талабидан келиб чиқиб алоҳида ҳуқуқшунослик олийгоҳи ташкил этилди. Унинг вазифалари эса ҳозирги кунда ҳуқуқшуносларни ўйлантираётган муаммолардан кескин фарқ қилади, — деди олийгоҳ ректори. — Янги илм масканимизнинг бугунги мақсади нафақат ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларига, балки иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтгани туфайли халқ хўжалиги учун ҳам етук мутахассислар тайёрлаб беришдир. Ҳозирги пайтда республикамиз учун, қолаверса бутун мамлакатимиз учун хўжалик ҳуқуқлари талаб-эҳтиёжларини чуқур ўзлаштирган юқори малакали ҳуқуқшунослар ўта зарур. Мулкчиликнинг янги шакллари ва иқтисодиётда ўзаро муносабатларнинг бошқарилиши янгидан-янги қонунларни ишлаб чиқишни ва уларни ҳаётга тадбиқ этишни талаб этади. Ҳозирги пайтда деярли барча муассаса, хўжалик ва корхоналарда, шу жумладан қўшма корхоналарда ҳам ҳуқуқшунос фаолияти йўлга қўйилган, халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида эса бутун бир ҳуқуқшунослик хизмати иш олиб бормоқда. Ана шу йўналишлар бўйича олийгоҳнинг халқ хўжалигида ҳуқуқшунослик хизмати факультети мутахассислар тайёрлайди.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасаларига мутахассислар тайёрлаш эса олдинги тартибда олиб борилади. Бу вазифа суд-прокурор мутахассислиги факультети зиммасидадир. Ҳозир республикамизда (мамлакатимизда ҳам) жиноят ва жиноий-тергов ишларини юритиш қонунлари, қонунбузарликка қарши курашни кучайтириш чоралари ишлаб чиқилган. Ана шу барча ўзгаришлар ўқув-ўқитув ишларининг пойдевори бўлиши лозим.

Олийгоҳимизда давлат аппаратлари учун мутахассислар тайёрлаш бўйича яна бир факультет очиш режалаштирилган. Бугунги кун воқеа-талаблари давлат ҳокимият органларида ҳам ҳуқуқшунослар фаолияти зарурлигини тақозо этмоқда. Биз ҳуқуқшунослик маълумотига эга бўлган кишилар билан иш олиб борувчи янги лавозим учун ходимлар тайёрлаш ниятидамиз. Бу эса шикоят ва аризалар билан мурожаат қилган фуқароларнинг ишини тўғри ҳал этиш ва тегишли қарорлар қабул қилишда ёрдам беради. Ҳуллас, ҳар бир соҳанинг ўрни ва уларнинг ўзаро муносабатлари аниқ белгилаб қўйилади.

**— Ҳозирги мураккаб, тез ўзгарувчан даврда давлат ҳокимияти органларига ҳуқуқшунос ходимлар бениҳоя керак. Шу билан бирга ҳуқуқий давлат тузиш учун кураш бораётган айни пайтда, ҳуқуқ илмларини ўзлаштириш Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик бошқармасидаги ходимлар учун ҳам зарур деб ўйлайман.**

— Албатта. Биз айнан шу мақсадда ҳуқуқ органларида хизмат қилаётган олий маълумотли ходимлардан ҳуқуқшунослар тайёрлашни режалаштирдик. Масалан, бизга турли муаммолар бўйича давлат автоинспекцияси, ёнғиндан сақланиш ҳамда экспертиза ходимлари тез-тез мурожаат қилишади. Шунинг учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишнинг сиртқи ва кечки бўлимлари фаолиятини йўлга қўйишни кўзда тутдик.

**— Анвар Аъзамович, сир эмаски тажрибали, юқори малакали ўқитувчиларсиз билимдон мутахассислар тайёрлаш мумкин эмас. Бу борада олийгоҳ раҳбарияти танқисликка дуч келмаяптими?**

— Мен юқорида айтиб ўтганимдек, биз олдимизга катта ва жиддий вазифаларни қўйганмиз, уларни амалга ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланамиз. Бизда малакали профессор-ўқитувчилар гуруҳи мавжуд, улар ҳуқуқшунослик соҳаси бўйича ўн битта кафедрада иш олиб борадилар. Уларнинг 8 таси доктор-профессор, 150 таси эса ҳуқуқшунослик фанлари номзодидир. Докторлик ва фан номзодлигини ёқлаш бўйича махсус кенгаш ҳам бор. Бу кенгашни Ўрта Осиёда ягона десам нокамтарлик бўлмас. Ушбу кенгаш Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари вакилларидан ташкил топган.

**— Янги вазифалар олийгоҳнинг ўқув дастурига ҳам ўз таъсирини ўтказса керак?**

— Ўтказиши табиий. Олдимизда ўқув режасини ва дастурларини қайта кўриб чиқиш, янги ўқув-услубий адабиётлар ишлаб чиқиш, уларни нашр этиш каби вазифалар турибди. Чунки эски китобларнинг етишмайди, бундан ташқари улар ўз умрини яшаб бўлди. Шу билан биргэ ўқитишни техник воситалар ёрдамида олиб бориш, кафедра ва лабораторияларни техника билан таъминлаш кўзда тутилган.

**— Назариёт ўз йўлига, аммо ёш мутахассис учун амалий маълумот асосий ҳисобланади...**

— Бу масала ҳам эътиборимиздан четда қолмаган. Амалий машғулотларнинг ташкил этилишини тубдан қайта кўриб чиқишимиз лозим. Аввалари амалий машғулот, тан олиш керакки, номигагина олиб бориларди. Бугунги кунда амалий фаолият нафақат суд ва прокуратура органларида, балки мутахассислик бўйича халқ хўжалиги тармоқларида олиб борилмоқда.

Ўқитиш жараёни сифатини оширишнинг асосий воситаларидан бири ўтказилаётган машғулотлар ректорат, илмий кенгаш ҳамда кафедралар томонидан доимий назорат қилинишидир. Бунинг учун маъруза ва амалий машғулотларни ёзиб оладиган стенографик ва магнит лента ларидан фойдаланилади ва бу ёзувлар ёрдамида ўтилган дарслар кафедрада муҳокама қилинади.

Ўқитувчилар гуруҳининг илмий-тадқиқот ишларига ҳам катта эътибор берилади. Бу фаолият муаллим соҳасининг бир қисми ҳисобланиб, ўқитиш жараёнига бевосита таъсир этади.

**— Аммо ана шу илмий фаолият ўзини оқлаши учун ўқитувчилар ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, давлат аппарати билан мустаҳкам ва доимий ҳамкорлик олиб боришлари лозим деб ўйлайман.**

— Албатта, ана шундай ҳамкорлик ҳам мавжуд. Олийгоҳ вакиллари Олий суднинг илмий-консультатив кенгаши ҳамда республика прокуратурасининг аъзолари ҳисобланиб, кўп ҳолларда ҳакамлар суди ва Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда мавжуд муаммоларни ўрнатилган қонун бўйича муҳокама қиладилар. Бу ҳали ишнинг бошланиши, уни чуқурлаштириш, доимий фаолият кўрсатишини таъминлашимиз даркор.

**— Айтиш мумкинки, ташкил этилганига эндигина бир йил тўлган ушбу олийгоҳ олдида ҳали бир қанча муаммолар турибди, жумладан ташкилотчилик соҳасида...**

— Ҳозирги пайтда биз олийгоҳнинг ташкилий ишларини якунлаш арафасида турибмиз. Олдинда қилинажак ишлар кўп, айниқса моддий-техника базасини яратиш биринчи навбатдаги вазифамиздир. Бизга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам берган ва бераётган республика раҳбарияти, Олий ва ўрта таълим вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигидан чексиз миннатдормиз. Барча талабларга жавоб берувчи ўқув биноси қуриш учун жойимиз ҳам етарли. Янги йилда бу масалага жиддийроқ эътибор қаратамиз. Ҳозирда ўқув биносини таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

**— Сиз учун сир бўлмаса керакки, Тошкент Давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик факультети «танланган талабалар факультети» дейилиб, оддий киши учун ана шу факультетга кириш бефойда ўринниш ҳисобланади. Айтингчи, ана шу анъана яна давом этиши сизни ташвишлантирмайдими?**

— Энди ундай бўлмайди. Биз ўқишга қабул қилиш режаларини қайта кўриб чиқишимиз, ёш мутахассисларни иш билан таъминлашни тўғри йўлга қўйишимиз даркор. Асосий масала, ўқишга қабул қилиш жараёнидир. У шу тарзда ўтказиладики, билим олишга муносиб ёшлар танлаб олиниб, ҳар хил қинғир ишларга зарба берилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам жамоатчиликда ўқишга қабул қилиш адолат ва қонунга таянган ҳолда олиб борилаётганига ишонч ҳосил қилиш учун қўлимиздан келган барча ишларни қиламиз.

**— Айтгандай, қонун дедингиз. Давримиз янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш лозимлигини тақозо этмоқда. Олийгоҳ ўқитувчилари ҳам ана шу ишларга ўз ҳиссаларини қўшмоқдаларми?**

— Албатта. Ҳозирда ўқитувчиларнинг кўпчилиги республиканинг янги конституциясини ишлаб чиқиш билан шуғулланишмоқда. Улар янги қонун лойиҳалари ва кодексларни ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ишларида доимий қатнашиб келишмоқда. Шунингдек, Республика Олий Кенгаши деярли барча қонун лойиҳаларини хулоса қилиш учун бизга юборади. Ана шулар бизнинг асосий вазифамиздир.

**— Сиз раҳбарлик қилаётган олийгоҳда бир қанча чет эллик талабалар таҳсил оладилар. Ана шу бағри кенглик икки ёқлама бўлишига қандай қарайсиз?**

— Ҳозир олийгоҳимизда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидан келган 117 йигит ва қиз билим олмоқда. Ҳатто аспирантлар ҳам кела бошлашди. Икки ёқлама муносабатларга келсак, биз ҳам талабалар «алмашиб туриш»лар бўлишини истаймиз. Талабаларимиз бу йил Америка Қўшма Штатларида бўлиб қайтишди, улардан бири ҳозир у ерда тажриба оширмоқда. Яқинда АҚШнинг суд ишлари бўйича бизга маъруза қилган Вашингтон дорилфунуни профессор-ҳуқуқшуносини қабул қилдик. Бундан ташқари, бизга Лондон дорилфунунидан таклифнома келди, ажабмас баъзи ўқитувчиларимиз Англияда Осиё мамлакатлари ҳуқуқшунослик фанининг ўқитилиши ҳақида маъруза қилсалар.

Биз Вашингтон дорилфунуни билан талабалар алмашиш бўйича бир қарорга келиш ниятидамиз. Адлия вазирлиги ва олийгоҳ раҳбарияти шундай ташаббус билан чиқдики, чет тилини, асосан инглиз тилини ўрганишга иштиёқманд талабалар гуруҳини тузиш, улардан нафақат яхши ҳуқуқшунос, балки чет тилида бемалол мулоқот қила оладиган мутахассислар етиштиришимиз лозим.

**— Сиз чет мамлакатлар билан олиб бориладиган келгуси муносабатлар ҳусусида шу қадар катта ишонч билан гапиряпсиз. Наҳотки уларнинг барчаси ҳақиқатан амалга ошади?**

— Республикамиз мустақилликни қўлга киритган ҳозирги пайтда, барча айтганларим аввалги даврдагига нисбатан ҳақиқатга яқин. Олийгоҳимизда биринчи машғулот куни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинганига бағишланди. Бу биз учун қўш байрамдир, чунки давлат мустақиллиги масалалари соҳамизнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Талабалар ҳозирда мустақиллик муаммолари, федерацияни такомиллаштириш, давлатларнинг шартнома асосидаги ўзаро муносабатлари масалаларини ўрганмоқдалар. Илмий-тадқиқот ишларида республика мустақиллиги масалаларини ҳар томонлама ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Кўриниб турибдики, биз давр билан ҳамнафас бўлиб, қадам-бақадам бирга бормоқдамиз.

Суҳбатдош Гулнора УСМОНОВА.

Давримиз тезкорлиги, замон талаби шарафли касб соҳиби — ўқитувчига катта масъулият юкламоқда. Зебунниса номли 236-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Сония Рустамова буни чуқур ҳис этган ҳолда ҳар бир дарсни қўргазмали ўтказади. У ўттиз йилга яқин вақтдан бери бошланғич синфларни ўқитиб келмоқда.

СУРАТДА: Сония Рустамова биринчи синфда машғулот ўтказяпти.

Воҳид Тўраев сурати.

## Ҳар тўғрида

КАНБЕРРА. Папуа-Янги Гвинеяда бундан ўттиз минг йил муқаддам ишлатилган меҳнат қуроллари топилди. Улар Океания ороллари ва яшаган кишилар қишлоқ хўжалик экинларини парваришлаган дастлабки кишилардан эканлигидан далолат беради. Бу топилма Тинч океан ҳавзаси жанубий қисмининг аҳолиси экинларни парваришлаб ҳосил йиғиштириб олганликларини кўрсатади, деб таъкидлаган Австралия олимлари шуни маълум қилдилар.

Шу вақтгача Тинч океан ҳавзасида бундан бир неча минг йил илгари одам пайдо бўлган деб ҳисоблаб келинар эди. Аммо Папуа-Янги Гвинеяда, Соломон ороллари ва бошқа ерларда бундан 20—30 минг йил илгари одамлар муттасил ҳосил йиғиштириб олганликларидан далолат берувчи далиллар топилди,—деди Канберрадаги Австралия миллий дорилфунунининг археологи Томас Лой.

ПАРИЖ. Франция пойтахтида таксилар етарлими? Бошқа шаҳарларга таққосланадиган бўлса, бу саволга афтидан ҳа деб жавоб берилса керак. Ҳар ўн минг парижликка ўрта ҳисобда учта такси машинаси тўғри келади. Ваҳоланки, Римда ёки Лондонда бу кўрсаткич иккитага ҳам етмайди.

Париж савдо-саноат палатасининг маълумотида қуйидагилар таъкидланади: ҳозир Парижда 14300 га яқин такси машинаси бор. 1992 йилда уларнинг ёнига яна 600 та машина қўшилади. Бироқ, бу йўловчиларга хизмат кўрсатишни унча яхшилай олмайди. Ҳамма гап шундаки, парижлик такси ҳайдовчи, одатда, ёрдамчисиз ишлайди ва шу сабабли ҳар бир такси машинаси бир кунда кўпи билан 10—12 соат ишлай олади, хулос. Иккинчидан, ҳар бир француз учун муқаддас ҳисобланган тушлик вақтида гарчи шу соатларда, айниқса саёҳатчилар кўпаядиган ёзги мавсумда такси машиналарига талаб жуда кучайса-да, киракашлар ишларини тўхтатадилар. Учинчидан, қизиғи шундаки, киракашлар кўпинча ўзларини четга оладилар: палатанинг аниқлашича, бундай воқеа кўчалар машиналарга авжи тўлган ва ҳамма ерда машиналар тиқилинч бўлган пайтда рўй беради. Бундай тиқилинчда туриш киракашга фойдали эмас, боз устига мижозининг ҳам жиғига тегади.

ВАРШАВА. Польша меҳнатни муҳофаза қилиш инспекцияси лат ейишлар ва бахтсиз ҳодисалар кескин кўпайиши мумкинлиги хусусида огоҳлантирди. Улар айниқса хусусий корхоналарда кўп бўлади. Гап шундаки, фирма ва устахоналарнинг эгалари меҳнат муҳофазаси хусусидаги барча ишларни асосан ходимларнинг зиммасига юклаб қўйган. Улар ўз тобелигидаги ходимларга коржома ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг якка тартибдаги воситалари нархининг арзимаган қисмини тўлайдилар, холос.

Ҳозирча давлат корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ аҳвол бирмунча яхши. Бироқ инспекция меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш натижасида сотиб олинган воситалар алмаштирилиши керклигини уқтиради. Кўпгина зарарли цехларда шамоллатиш қурилмалари йўқ, ишчиларни гальваника цехларида коржома билан таъминламайдилар, баландликда ишлаётганлар учун хавфсизлик камарлари ҳамма вақт ҳам топилавермайди.

(ТАСС).


# КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

**Агар Сиз Ўрта Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири бўлмиш Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилмоқчи ва Тошкент техника дорилфунунида таълим олмоқчи бўлсангиз**

**8-ТАЖРИБАВИЙ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!**

Бу ерда Сиз учиш аппаратларини йиғувчи-чилангар, механика-йиғув ишлари чилангарлари, саноат ускуналарини таъмирловчи чилангар, рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастгоҳларнинг оператори, токарь, фрезерчи, кенг қамровли дастгоҳчи касбларини эгаллаб чиқишингиз мумкин.

**Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**

9-СИНФЛАРНИ БИТИРУВЧИЛАР ТАЖРИБА ГУРУҲИДА ЎҚИЙДИЛАР ВА 2 ЙИЛ ДАВОМИДА ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲАМДА КАСБ ЭГАСИ БЎЛАДИЛАР.

Бир йиллик гуруҳлардаги 9-синф битирувчилари ишчи малакасини эгаллайдилар.

11-синфни битирувчилар ойига 115—150 сўм миқдорида стипендия олиб ўқийдилар ва 6 ой давомида касб эгаллаб чиқадилар.

Ўқиш даврида ўқувчилар овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Улар Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли пансионат ва профилакторийда дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашлари мумкин.

**Ўқиш вақти меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади.**

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирганлар Тошкент техника дорилфунунига ўқишга юборилади.

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган бошқа шаҳарлик ўқувчиларга ётоқхонадан жой берилади.

**Билим юртига қуйидагича борилади:** 10, 23, 27-трамвайлар, 18, 48, 97-автобуслар; 1, 10, 14, 18, 24-троллейбусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси» бекати.

Манзилимиз: 700128, Усмон Юсупов кўчаси, Авиация тор кўчаси, 10-уй. Телефон: 41-57-54.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ «ТАШМЕТРОСТРОЙ» ТРЕСТИ ҚОШИДАГИ **37-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**

**6 ойлик электр газ пайвандчи гуруҳларига**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Совет Армияси сафларидан заҳирага бўшатилган ҳамда Тошкент шаҳрида қайд этилган ўсмирлар ўқишга қабул қилинадилар.

Ўқувчилар имтиёзли овқатланиш ва ойига 190 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар. Бундан ташқари ишлаб чиқариш амалиёти даврида иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Машғулотлар — гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

Билим юртини тугатганлар «ТАШМЕТРОСТРОЙ» трестининг иншоотлари ва тузилмаларида иш билан таъминланадилар.

**МАНЗИЛИМИЗ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЧИЛОНЗОР ДАҲАСИ, Д—20-МАВЗЕ, 25-УЙ.** (50, 69, 78-автобуслар «С. Раҳимов» метро станциясидан 17-трамвайнинг «37-ҳунар-техника билим юрти» бекати).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЎҚУВ КОМБИНАТИ

**қуйидаги касблар бўйича КУРСЛАРГА**

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Электр-газ пайвандчи;

автомобиль, минора, кўприк кранларининг машинистлари;

ғишт терувчи;

дурадгор-бетончи;

ПЦ-84 оператори;

Пўлат ва темир-бетон конструкцияларининг монтажчиси.

**Ўқиш муддати — бир ойдан 4 ойгача, ойига 102 сўм стипендия тўланади.**

**Ўқиш ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда кечки таълим гуруҳларида олиб борилади.**

Таълим учун пул ўтказиш йўли билан ҳамда нақд пул тўлаш тариқасида ҳақ тўланади.

Ўқишни тамомлаганлар Ўзбекистон республика қурилиш вазирлиги ташкилотларида иш билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ГУРУҲЛАРНИНГ ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Бизнинг манзилгоҳ: 700100, Тошкент шаҳри, А. Қаҳҳор кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: 55-36-11, 54-94-87, 54-92-16.

ТОШКЕНТ ШАҲАР РАДИОУЗЕЛИ

Иш билан таъминлаш шарти билан радиолаштириш йўналишларига хизмат кўрсатувчи электр монтёрлар гуруҳига

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Ўқиш муддати — 2 ой.**

Совет Армияси сафларидан заҳирага бўшатилганлар таклиф қилинади.

Ўқиш вақтида 150 сўм миқдорида стипендия тўланади. Ўртача ойлик иш ҳақи 350—400 сўмни ташкил этади. Корхонада мукофотлаш услуби ҳам фаолият кўрсатади.

**ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, АКАДЕМИК СУЛАЙМОНОВА КЎЧАСИ, 31-УЙ, 9-КОРПУС «А».**

**Телефонлар: 33-28-21, 33-71-01.**


Бир сурат тарихи

# ЎША ЙИГИТЧА... ГАВҲАРХОНИМ ЭДИ

ЎЗБЕКИСТОН халқ артисти Гавҳар Раҳимова саксон ёшини нишонламоқда. Лекин ҳамон ёшлик ғайрати билан тўлиб-тошган опани кўпинча уйидан топиш қийин. «Лазги» ансамблидан кетган бўлса-да, санъатдан узоқлашмаган Гавҳар опани гоҳ ўзи раҳбар бўлган Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг Зебо Ғаниева номидаги фронтчи санъаткорлар ансамбли билан сафарда, гоҳ санъат ихлосмандлари билан учрашувда, гоҳида шогирдлар даврасида учратиш мумкин. Кўпинча ўзгалар ташвиши билан банд. Уларга қўлидан келганича ёрдамини аямасликка ҳаракат қилади. «Инсондан қоладигани ҳам шу-да» дейди опа доимо камтарлик билан.

Мен у кишининг уйида тез-тез бўлиб тураман. Босиб ўтган ҳаёт йўллари ҳақида, кекса санъаткорлар тўғрисидаги хотираларини тинглашни ёқтираман. Навбатдаги ташрифимда опани ёзув машинкаси устига мук тушиб, қоғозни қоралаётган пайтда учратдим. Биз яна ўтмиш саҳифаларини варақлашга тушдик.

— Ойнаи жаҳонда шоир Оразийга бағишланган эшиттиришни кўрдингизми? — деб сўраб қолдилар опа суҳбат орасида.

— Йўқ, — дедим. Ҳақиқатан ҳам сафарда бўлиб, бу кўрсатувни кўра олмаган эдим.

— Афсус, — дедилар Гавҳар опа. — Кўрсатувда ижро этилган «Нигоҳ айлай» қўшиғининг матни менга бағишланганлигини ҳам билмасангиз керак.

Шубҳасиз, бу ҳақда фақат менгина эмас, кўпчиликнинг хабари бўлмаслиги табиий. Шунинг учун ҳам ўша ғазал битилиши тарихи билан қизиқдим.

Опа қўлларини иякларига тираганча бир зум жим қолдилар. У кишининг чеҳрасига ёйилган майин табассумни кўриб, ширин хаёллар олис-олисларга етаклаётганининг гувоҳи бўлиб ўтирардим.

— 1934 йилда мен Самарқанддаги ўзбек отлиқ дивизияси қошида ташкил этилган қизил аскарлар театрусида артистка ва балетмейстер бўлиб ишлар эдим, — дея аста ҳикоя бошлади Гавҳар опа. — Умр йўлдошим Ғуломжон Раҳимов ўша пайтда ўзбек дивизиясида танк эскадронининг командири эди. Ўша йилнинг ёзида эр-хотин таътилга чиқиб, театримиз артисти Азимжон Насимов ҳамроҳлигида эримнинг юртига — Андижонга бордик. Бизни Шаҳрихондаги район театрусига таклиф этишди. У ерда маҳаллий санъаткорлар билан ҳамкорликда концерт кўрсатдик. Қизил аскарлар театрусининг артистлари бўлганимиз учун ҳам ҳарбий кийимда юриш одат тусига кирган эди. Шаҳрихондаги концертларда ҳам шу формани ечмагандик.

Концертда шоир Оразий ҳам қатнашган эдилар. Биз Азимжон иккимиз саҳнада эдик, Оразий домла эса залда умр йўлдошим билан бирга ўтиришарди.

Томоша тугагач, Оразий домла бизни уйларига таклиф этдилар. Саҳнада мени эркакча кийимда кўрган шоир уйларига боргач, Ғуломжон акадан «Бу йигитчанинг исми нима? деб сўрабдилар. Умр йўлдошим ҳам кулганича «Ҳозир ўзингиз билиб оласиз» деб мени чақирдилар.

— Менга қара, «йигитча», — дедилар аста қулоғимга шивирлаб, — кийимингни алмаштириб чиқмасанг бўлмайдиганга ўхшайди.

Шунда мен ўзбекча кўйлагимни кийиб, меҳмонхонага кирдим ва қайтадан салом бергач, мен, яъни «йигитча» аёл киши эканимни, Ғуломжон акани умр йўлдошилигимни айтдим.

Оразий домла бир зум ҳангу манг бўлиб қолдилар. Сўнгра ўзларини тутолмай хахолаб кулиб юбордилар. Шу орада дастурхон ёзилди, чойхўрлик қилиб гурунглашиб ўтирдик. Бироздан сўнг Оразий домла токчадан қоғоз ва қалам олиб ёза бошладилар. Бирмунча вақтдан сўнг: «Буни сизга бағишладим» дея қоғозни узатдилар. Унда ўн олти сатрли «Нигоҳ айлай» ғазали битилган эди.

— Ўқинг, биз ҳам эшитайлик, — дедилар Ғуломжон ака ҳам қизиқиб, Мана, ўша ғазал.

**Юзингдан парда ол бошинг ҳаки, бирдам нигоҳ айлай**
**Бўлиб булбул сифат гулзори васлингда наво айлай.**
**Гоҳо йиғлаб, гоҳо кулиб, гоҳо нашъу наво айлай,**
**Майи васлинг ичиб, жондин кечиб хўб оҳу воҳ айлай.**
**Муродим ҳосил ўлса жонингга жоним фидо айлай.**
**Фалак ҳар кунда бир айланмоқни одат этди бошингдан,**
**Янги ой таълим олмоқни сенинг қайрилма қошингдан.**
**Нечун тоқат қилай ағёра лутф айлаб қарошингдан**
**Ўзим ҳам боқиб олдим қатлима қилган қарошингдан,**
**Ташаккурлар бирлан таъзим этиб ўзни ризо айлай,**
**Жаҳон зеболари бўлса садаф, сен дурри гавҳарсан,**
**Бўлаклар гулчеҳра юлдузча, сен моҳи мунавварсан.**
**Паримисан, малакмисан ва ё ғайри мукаррамсан,**
**Ажиб бир сеҳргарсан саҳнаи дилларда ўйнарсан,**
**Қачон фурсат топиб васлингни Ораздек бажо айлай.**

Республикамизнинг атоқли хушовоз ҳофизи раҳматли Жўрахон Султонов бу ғазалга куй басталаб, умрининг охиригача куйлаб ўтди. Ойнаи жаҳондаги эшиттиришда ғазал матни бироз ўзгартириб ижро этилди. Шундай бўлса-да мен шу кўрсатувни тайёрлаган ўртоқлардан жуда миннатдорман. Чунки шу баҳона мен Оразий домланинг фарзандлари ва набираларини кўриш бахтига муяссар бўлдим. Худди Оразий домланинг ўзи билан учрашгандек қалбим қувончга тўлди. Биласизми, мен ўшанда қандай кўринишда эдим?

Опа жавобимни кутмасданоқ, деворга осиғлик турган фотосуратлардан бирини олиб, менга узатдилар. Дарҳақиқат, суратда калта қирқилган сочи юқорига таралган, ҳарбий кийим ўзига жуда ярашган, истараси иссиқ навқирон «йигитча» боқиб турарди. Суратни бошқа жойда кўрганимда менинг ҳам адашишим муқаррар эди.

Бахтиёр МАНСУРОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

СУРАТДА: Қизил Армия ўзбек театрининг бадиий раҳбари Гавҳар Раҳимова. (Сурат 1934 йилда олинган).

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲУЖЖАТЛИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

КУНИ кеча Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси залида республика Марказий Давлат архиви жамғармаларида сақланаётган ноёб ҳужжатларнинг кўргазмаси очилди.

Кўргазмадаги экспонатлар орасида ўзининг ташқи кўринишиви ва мазмуни бўйича инқилобга қадар даврга оид бўлган, кам ўрганилган ҳужжатлар алоҳида қизиқиш туғдиради.

Мустақил республикамизнинг Марказий Давлат архиви — бош ҳужжатгоҳида вақф ёрлиқлари сақланиб, улар XIII—XX асрнинг бошларидаги даврни ўз ичига олган 3000 ишни ташкил қилади. Ушбу тўпламдаги баъзи ноёб ҳужжатлар кенг жамоатчиликка илк марта тақдим қилинмоқда.

Кўргазмада Сайфиддин Боҳарзий мақбараси вақфига оид сақланиб қолган ўта ноёб учта вақф ёрлиғидан биттасини кўриш мумкин.

Ҳужжатлардан кўчирилган фотонусхаларда қозилар судини, қози-муфтилар маслаҳатини, Самарқанд қозисининг суратини кўриш мумкин. Фотонусхаларнинг бирида Хива хонлигидаги кўҳна Урганч шаҳрининг ноиби (1909 йил) акс эттирилган.

Кўргазмада асосий солиқлардан бири бўлган хирож тўлаш ҳақидаги 1876 йилга оид ёзувнинг фотонусхаси, хирож тўлаш ҳақидаги ҳужжатнинг (1871—72 йил) нусхалари ҳам мавжуд.

Марказий архивнинг тарихга оид фондларида чор Россияси томонидан Туркистоннинг босиб олинишига оид ҳужжатлар ҳам ўрин олган.

«Туркистонлик археология ҳаваскорлари тўгараги» фондидаги ҳужжатларда қадим Турон давлатида мавжуд бўлган илк алифбо ва диний тасаввурлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Кўргазмада буюк князь Николай Константинович Романовнинг коллекциясига оид бўлган дастхат ва бошқа ҳужжатларни ҳам кўриш мумкин. Кўргазма ноябрь ойигача давом этади.

**Маъмура МАШАРИПОВА.**

Кўча тасодифларга тўла

# ҚИТТАКДАН БОШЛАНГАН КЎНГИЛСИЗЛИК

ИНСОН ҳаётида қувончли кунлар кўп бўлади. Бундай кунларни у албатта дўст-ёронлари даврасида нишонлайди. Албатта бу яхши. Лекин бундай йиғинларга кўпчилик автомашиналарда боради. Меҳмонга борганда эса қиттак-қиттак ичкилик деганларидай... Оқибатда эса кўпгина бахтсизликлар келиб чиқмоқда. Биз дабдурустдан бундай фикрни айтаётганимиз йўқ, албатта. Шаҳар автомобиль назорати бошқармаси томонидан қайд қилинишича, бу йил спиртли ичимлик ичиб машина бошқариш оқибатида 98 та йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган ва натижада 21 киши ҳаётдан кўз юмган, 171 киши эса тан жароҳати олган. Бу рақамларни санаб ўтиш биз учун оғир. Баъзан ДАН ходимлари қаерга қараяпти, деган таъналарни ҳам эшитиб қоламиз. Хўш, ҳайдовчи рулда бўлса ҳам, ичкилик ичаётганда ҳам ДАН ходими доим назорат қилмайди-ку. Уларга атрофдаги кишилар ҳам таъсир кўрсатишлари керак. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, шаҳар автомобиль назорати ходимларининг сўнгги пайтларда кўпгина ибратли тадбирларни амалга оширишлари натижасида бахтсиз ҳодисалар анча камайди. Масалан, бу йил ўтган йилгига қараганда 29 та кам йўл-транспорти ҳодисаси қайд этилди.

Юқоридаги ҳодисаларнинг аксарияти шахсий автомашиналарда рўй бермоқда. Чунончи, 98 та йўл-транспорт ҳодисасидан 86 таси шахсий машина эгаларининг айби билан содир бўлган. Яна фактларга мурожаат қиламиз: масалан, шу йил 24 августда соат 20 да ҳайдовчи У. Қосимов ўзининг ЗАЗ—968 маркали Б93—64 ТН автомашинасини Навоий кўчасида ширакайф ҳолда бошқариб бориб «Москва» меҳмонхонаси қаршисида 48 ёшли йўловчи М. Аминовани уриб юборди ва В2101 маркадаги 53—91 ТШК автомашинаси билан тўқнашиб кетади. Натижада йўловчи М. Аминова оғир тан жароҳати олиб 1-шаҳар касалхонасига ётқизилди.

Биз шуни унутмаслигимиз лозимки, ўсиб келаётган ёш авлод катталардан ибрат олади. Биз доимо уларга ўз хатти-ҳаракатларимиз билан намуна бўлишимиз керак. Акс ҳолда фарзандларимиз, ака ва укаларимиз бахтсизликка йўлиқишлари мумкин.

Айниқса машинаси бор кишига ичкилик ичишни таклиф қилаётганимизда шаҳримизда машиналар тўқнашуви оқибатида содир бўлаётган воқеаларни бир кўз олдимизга келтирсак яхши бўлар эди.

Қуйидаги рақамларга бир эътибор беринг-а— йил бошидан бери шаҳримизда 4 минг 182 ҳайдовчи маст ҳолда машина бошқараётганида ДАН ходимлари томонидан тўхтатилган ва тегишли жазосини олган. Бу ўтган йилгига нисбатан 1088 та кўпдир. Хўш, нега биз бунчалик ҳаётга бефарқ қарайдиган бўлиб қолдик? Ахир маст ҳолда машина бошқараётган киши нафақат ўз ҳаёти, балки кўчада кетаётган ҳар бир инсоннинг ҳаётини ҳам хавф остида қолдираётганлигини нечун ўйламаймиз? Яқинда Халқлар Дўстлиги шоҳкўчасида ҳайдовчи М. Мирзабобоев ўзининг М-412 маркали 95—97 ТШУ автомашинасини ширакайф ҳолда бошқараётиб икки ўспирин йигитни уриб юборади, натижада йўловчиларнинг бири ўша ернинг ўзида ҳалок бўлди, иккинчиси эса касалхонага олиб борилаётганда ҳаётдан кўз юмди. Мана, яна бир мисол, ҳайдовчи Ф. Каримов маст ҳолда ВАЗ 2106 маркали П 73—34ТН автомашинасини Фурқат кўчасида ҳайдаб кетаётганида кашшофлар саройи тўғрисида йўл чеккасидаги темир панжарага бориб урилади, натижада ҳайдовчининг ўзи тан жароҳати олади ва касалхонага тушади. Бу воқеа айнан дам олиш куни содир бўлди. Ҳойнаҳой, у ўзига яқин ёр-биродарлари билан ўтиришдан қайтаётган бўлса керак. Мана, ичкиликнинг оқибати нималарга олиб келади.

Биз бу кўнгилсиз ҳодисаларни матбуот орқали сизларга маълум қилишимиздан мақсад, ҳар биримиз кўча-кўйда кетаётганимизда эҳтиёт бўлишимиз керак. Айниқса қарияларимиз, ота-оналаримиз, қолаверса, жамоатчилик ДАН ходимлари билан биргаликда иш олиб борсалар, юз бериши мумкин бўлган кўпгина бахтсизликларнинг олдини олган бўлур эдик.

**Аҳрол АКБАРОВ,**
**Тошкент шаҳар Давлат Автомобиль Назорати бошқармаси ходими, милиция катта лейтенанти.**

**⊙ СУРАТДА:** рўй берган яна бир кўнгилсиз ҳодиса. Маннон Саидов сурати.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

ШОШИЛИНЧ ШАХСИЙ ЭЪЛОНЛАРНИ «Тошкент оқшоми» рўзномасида чиқаришни истасангиз, ДУШАНБА, СЕШАНБА ва ЧОРШАНБА кунлари СОАТ 9 ДАН 12 ГАЧА Ленинград кўчаси, 32-уйда жойлашган муҳарририят-ноширлик мажмуига шундоқ кираверишдаги ўнг томондаги бурчакда ўтирадиган ходимларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

* * *

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» РЎЗНОМАСИГА ДОИМИЙ ИШЛАШ УЧУН МАЛАКАЛИ СУРАТКАШ КЕРАК.

Ушбу масала юзасидан 33-57-02 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

---

**ДИҚҚАТ!**

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси «ТОШКЕНТ» студияси, Ўзбекистон А. Қодирий жамғармаси, республика «ЁШЛИК» ойномаси

ҳамкорликда
декабрь ойида

**«КАМОЛОТ—91»**

**ЁШ ХОНАНДАЛАР ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИЛАР.**

Халқимизнинг ёш, умидли, иқтидорли, хушовоз хонандаларини намоён этиш мақсадида ўтказилаётган ушбу танловда 33 ёшгача бўлган хонандалар қатнашишлари мумкин.

Танлов иштирокчилари танлов ҳайъати эътиборига 2 та ихтиёрий қўшиқ тақдим этишлари шарт.

**Аризалар 10 декабрга қадар 41-45-20 телефон рақамлари орқали ёки «ЁШЛАР УЙИ» ёшлар учун танловлар ва фестиваллар ташкилий қўмитасига ёзма ҳолда топширишлари мумкин.**

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ПАХТАКОР КЎЧАСИ, 5-УЙ, «ЁШЛАР УЙИ», 205-ХОНА** (Санъат саройи кинотеатри қаршисида).

**КОНКУРС ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ.**

---

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ТАЪМИРЛАШ — МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

**токарлар, токарь-йўнувчилар, термистлар, металл конструкцияларини йиғувчи чилангарлар, йўл қуриш машиналари ва тракторларни таъмирловчи чилангарлар, механика-йиғув ишлари чилангарлари, асбобсозлар; пармаловчилар, штампловчилар.**

Хусусий услубда ишчиларни ўқитиш йўлга қўйилган.

200 сўмгача стипендия тўланади.

Заводнинг қулай ва шинам ётоқхонаси, идоравий болалар боғчаси, ошхона, дўкони бор. Шунингдек хизмат автобуси қатнаб туради.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Сирғали район меҳнат биржаси — Йўлдош даҳаси, 2-мавзе, 69-уй.

**Телефонлар: 58-63-84, 54-62-11.**

---

**Тошкент қурилиш бош бошқармасининг Тошкент қурилиш трести**
**шаҳар транспорт ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли**

ИЖАРА ПУДРАТИ УСЛУБИДА ИШЛАЕТГАН 10-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА

**МАЗ—504 автомашиналарида ишлаш учун «Е» тоифасидаги ҳайдовчилар**

**КЕРАК**

Иш ҳақи ойига 450—700 сўм, корхона ихтиёрида болалар боғчаси, Сирдарё бўйида «Автомобилчи» дам олиш зонаси, «Чимён» тоғларида дам олиш жойи мавжуд. Бундан ташқари, муҳтожларга бир йил ичида кам сонли оилалилар умумий ётоқхонасидан жой берилади, квартиралар эса — навбат бўйича ажратилади.

**Бизнинг манзилгоҳ:** Тошкент шаҳри, 146-алоқа бўлими. Қурувчилар кўчаси, 22-уй. 68 «тезюрар» автобусида «Панель заводи» бекатигача борилади.

**Ал Хоразмий, Чилонзор ва Юнусобод даҳаларидан ишчиларни хизмат автобуси иш жойига олиб боради.**

---

«ОНИКС» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ТОШКЕНТ «МИКОНД» КОРХОНАСИ

**қуйидаги ихтисослар бўйича**

**касб эгаларини**

**ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

Токарь, фрезерчи, чилангар-асбобсоз, технологик ускуналарни созловчи чилангар, сантехника чилангари, электр-монтер, автомашина ҳайдовчиси, электр-пайвандчи, тунука қопловчи, ғишт терувчи, дурадгор, сувоқчи, йиғувчи, назоратчи, пайвандловчи, бўлак (детал)ларни синовчи, пайвандлаб ямовчи, юкчи, асбобсоз;

муҳандис-конструктор, муҳандис-электрончи.

Ихтисослиги бўлмаганлар корхонада касб ўрганадилар.

Корхонага, айниқса назоратчи, йиғувчи, асбобсозлик касбларида ишловчилар алоҳида таклиф этилади.

Бу иш жисмонан енгил, озода, тез ўрганиладиган бўлиб, вакуумли гигиена (ҳавоси тозаланган, озода) цехларида амалга оширилади ҳамда яхши ҳақ тўланади.

Ишчилар корхона автобусларида ишга олиб борилади ва қайтариб келинади.

«Оникс» ишлаб чиқариш бирлашмаси сизни қизиқарли иш билан таъминлайди ва кафолатлайди.

Меҳнатга яхши ҳақ тўланади. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 440 сўм.

Ёш оилаларга турар жой ширкати, шунингдек мол-мулкка эга бўлиш учун 8 ой муддатда тўлаш шарти билан 1500 сўм миқдорида қарз берилади.

Якка тартибда уй қуриш учун ер участкаси олинаётганда корхона ўз ишчиларига 1000 сўм миқдорида беминнат ёрдам пули беради. Давлат уйи хонадонларига навбатда турганларга, ёнинки ширкат усулида қурилган уйлардан хонадон олишни хоҳловчи корхона ходимларига хонадон нархининг 50 фоизи миқдоридаги қисмини корхона ўз ҳисобидан тўлайди.

Ходимларга ҳар бир иш куни учун 2 сўм миқдорида тушлик (оширилган нарх-навонинг ўрнини қоплаш учун товон) пули тўланади.

Навбатдаги меҳнат таътилига кетаётган ишчи-хизматчиларга ёрдам тариқасида 100 сўм пул берилади.

Корхонада кўпгина ижтимоий масалалар ҳал этилган: корхона болалар боғчаси, кашшофлар оромгоҳи, тоғ атрофидаги «Тепа соҳил» дам олиш зонаси, санаторий-шифохона, тиббий-санитария қисми, тадбиргоҳ, эркак-аёллар ва оилавий ётоқхоналарга эга.

**Бизга келаверинг! Афсусланмайсиз!**

Корхонанинг иш тартиби: бир сменали, икки сменали ва уч сменалидир.

**Манзилгоҳимиз:** Собир Раҳимов ноҳияси, 100069, «Касаба уюшмасининг 50 йиллиги» кўчаси. Телефон рақами 48-15-60.

**Корхона:** 7 ва 10-троллейбуслар; 43-«э», 56, 93, 82-автобусларнинг «Металл база»си бекатида, 27-трамвайнинг «Миконд» корхонаси» бекатида жойлашган.

---

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

**1991 ЙИЛ 26 ОКТЯБРЬ СОАТ 10 ДАН 13.00 ГАЧА**

**Тошкент шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш бирлашмаси ва матбуот тарқатиш корхоналари**

почта, электр алоқаси ҳамда матбуот дўкончалари қандай хизмат кўрсатаётганлиги ҳақида қуйидаги алоқа бўлимларида фуқароларнинг

**ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛИНИ ЎТКАЗАДИ.**

93-алоқа бўлими — Юнусобод даҳаси, 4-мавзе, 1- уй.

100-алоқа бўлими — Б. Хмельницкий кўчаси, 40 «а» уй.

128-алоқа бўлими — Марказ-13-мавзе, 21-уй.

---

**КОРЧАЛОНЛАР ДОИРАСИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

«ЧОРИ КО., ЛТД» ЯПОН ФИРМАСИ ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ «ЎЗБЕКЛЕГПРОМ» ДАВЛАТ АССОЦИАЦИЯСИ

**СИЗЛАРНИ**

**1991 ЙИЛ 22—25 ОКТЯБРДА**

«ТОШКЕНТ—91, МАШИНАЛАР ВА УСКУНАЛАР»

**КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

**Кўргазма экспонатлари ичида:** автомобиллар, геология-қидирув ускуналари, қурилиш машиналари саноат ва маиший тикув машиналари, бичиш жиҳозлари, алоқа аппаратлари, аудио-видео техника, ташкилий техника, соатлар, мусиқа асбоблари бор.

КЎРГАЗМАНИНГ ИШ ВАҚТИ — СОАТ 10 ДАН 18.00 ГАЧА.

**Кўргазмага фақат таклифномалар билан кирилади.**

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 107-уй, Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, «Ўзбекистоннинг экспорт имкониятлари» павильони.

**39-11-87, 39-11-80, 39-11-17 телефонлари бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва «Чори» фирмасининг Тошкентдаги ваколатхонасига — 41-41-77, 41-83-73 телефонлари орқали қўнғироқ қилиб, ўзингизни қизиқтирган ҳар қандай ахборотни олишингиз мумкин.**

КЎРГАЗМАМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

---

**Жамғарма банки**

**ЖАМҒАРМАЛАРНИ НАҚД ПУЛСИЗ ТЎЛОВ ЙЎЛИ БИЛАН ТЎЛДИРИБ БОРИШ**

ССЖИ Жамғарма банки муассасалари меҳнаткашларга ўз шахсий бюджетларини тўғри ташкил қилиш, олинаётган даромадлардан мақсадга мувофиқ фойдаланишда кўмаклашадилар.

**Жамғармаларни нақд пул билан, шунингдек, олинаётган даромадлардан маблағ ўтказиш йўли билан тўлдириб бориш мумкин.**

Жамғармаларни нақд пулсиз пул ўтказиш йўли билан тўлдириш учун корхона, ташкилот, жамоа хўжалиги бухгалтериясига пул даромадларидан маълум миқдорини жамғармага ўтказиш ҳақида ариза берилади. Жамғармага пулни иш ҳақидан, белгили муддат ишлаганлик учун бир марта бериладиган мукофотдан, жамоа хўжалиги аъзоларининг меҳнат ҳақидан, нафақадан, қишлоқ хўжалик маҳсулотини давлатга сотишдан аҳолига тегадиган маблағдан, суғурта маблағидан, воситачи дўконлар орқали сотилган буюмлардан тушадиган маблағлардан ўтказиш мумкин.

**ЖАМҒАРМАГА НАҚД ПУЛСИЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ ШАКЛИ СИЗНИНГ ШАХСИЙ ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАЙДИ.**

**ССЖИ Жамғарма банкининг Тошкент шаҳар бошқармаси.**

---

«БИЛИМ» ЖАМИЯТИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТАШКИЛОТИ

**25 октябрдан бошлаб**

**ҳар куни соат 10.00 дан** халқ табиблари қабул қилишиб, сизни асаб, юрак-қон томир, ошқозоничак йўллари, ҳафақон, буйрак, жигар, гаймарит, туз йиғилиши касалликларидан, кўз тегишдан ҳоли бўлишингизга ёрдам беришади. Шифолаш даврида халқ табобатининг энг яхши усулларидан фойдаланилади.

**Манзилгоҳимиз:** Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 13-уй. «Лекторлар уйи», иккинчи қават, 24-хона.

**Маълумотлар олиш учун телефон: 44-55-69.**

---

ТОШКЕНТ ФАН ВА ТЕХНИКА УЙИ

**кундузги компьютер техникасини**

**ҚУЛЛАЙДИГАН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ГУРУҲИГА**

**ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Дастур 120 соатга мўлжалланган. Ўқиш баҳоси — 400 сўм. Ўқиш муддати — 2,5 ой.

Машғулотлар гуруҳлар тўлишига қараб бошланади. Курсларни тамомлаган тингловчилар гувоҳнома оладилар.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй, 21-хона.

Маълумотлар олиш учун **телефонлар: 33-28-18, 33-21-57.**

---

66 — АТС АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Қорасув даҳасида 66 — АТСнинг ишга туширилиши муносабати билан барча масалалар бўйича телефонлар ёки уларни ўрнатгандан сўнг рўй бераётган носозликлар ҳақида 66-45-50 рақамли телефонга мурожаат қилишларингизни сўраймиз.

Вақтинчалик таъмирлаш устахонасининг иш режими ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 8 дан 17.00 гача, шанба кунлари соат 8 дан 15.00 гача.

---

**КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**ҲИСОБЛАШ МАШИНАСИГА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ВА ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ТАЖРИБА ЗАВОДИ**

«Нейрон И9.66,01» 512 кб, 640 кб гача бўлган хусусий ЭҲМ машиналарининг хотирасини кенгайтиради ва ишлаб беради.

Иш ҳақи ОЗУ 256 кб. ни ўрнатиш билан бирга тахминий баҳоси 1.750 сўмни ташкил қилади.

**Манзилимиз:** 700156, Тошкент шаҳри, Сегизбоев кўчаси, 1-уй.

**Телетайп 116184 ГАММА.**

**МАЪЛУМОТЛАР олиш учун телефонлар: 72-00-77. 72-00-78.**

---

**295-БОЛАЛАР БОҒЧАСИНИНГ ЙЎҚОЛГАН ДУМАЛОҚ МУҲРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

---

«21-Тошкент шаҳар болалар уйи», «Ижарадаги ёрдамчи хўжалик» ёзувли йўқолган

БУРЧАКЛИ ВА ДУМАЛОҚ МУҲРЛАР **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

**ТЕАТР**

**ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/X да Алишер Навоий, 23/X да Афандининг беш хотини, 24/X да Юлдузли тунлар, 25/X да Зебуннисо, 27/X да Мирзо Улуғбек.**

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 23/X да Нурхон, 24/X да Кулги ва шодлик кечаси, 25/X да Куёвлар конкурси, 26/X да Мусиқали комедиялардан саҳналар, 27/X да Мусиқали комедиялардан саҳналар.**

**АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/X да Зиёфат, 23/X да Паранжи сирлари, 24/X да Майсаранинг иши, 25/X да Алдагани хотин яхши** (премьера), **26/X да Кулги ва қўшиқ кечаси, 27/X да Фармонбиби аразлади.**

**КИНО**

**22 ОКТЯБРЬ**

**А. Навоий номидаги Санъат саройи** — «КЎЗЛАРИМ ЙЎЛИНГДА» (премьера, 17.00, 19.00).

**Қозоғистон** — «ЧЕКИНМА, ТАСЛИМ БЎЛМА!» (ҳар соатда).

**Лисунов номли** — «ИККИ МАҲБУС» (19.00).

**Дўстлик** — «ИШБИЛАРМОН АЁЛ» (17.00, 18.00, 20.00, 20.30).

**Москва** — «ЧЕКИНМА, ТАСЛИМ БЎЛМА!» (17.00, 19.00, 20.40).

**Тошсовет** — «ИККИ МАҲБУС» (18.30, 21.00).

**Фурқат** — «ЁЛҒИЗ БАҲОДИР» (17.00).

«СЕЗАР ВА РОЗАЛИЯ» (19.00, 21.00).

**23 ОКТЯБРЬ**

**А. Навоий номидаги Санъат саройи** — «КЎЗЛАРИМ ЙЎЛИНГДА» (премьера, 11.00, 12.00, 15.00, 17.00, 19.00).

**Қозоғистон**— «ЧЕКИНМА, ТАСЛИМ БЎЛМА!» (ҳар соатда).

**Лисунов номли** — «ИККИ МАҲБУС» (11.00, 13.00, 16.00, 19.00).

**Дўстлик** — «ИШБИЛАРМОН АЁЛ» (11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00, 20.30).

**Москва** — «ЧЕКИНМА, ТАСЛИМ БЎЛМА!» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00).

**Тошсовет** — «ИККИ МАҲБУС» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00).

**Фурқат** — «ЁЛҒИЗ БАҲОДИР» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00).

«СЕЗАР ВА РОЗАЛИЯ» (19.00, 21.00).

---

Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиб туриш ва кончилик назорати Давлат қўмитаси жамоаси шу қўмита ходими Ш. Шомирзаевга отаси

**Шоиноят ШОМИРЗАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район соғлиқни сақлаш бўлимининг 4-шаҳар шифохонаси жамоаси шифокор Ш. Аҳмаджон қизига отаси

**Аҳмаджон УМАРҚУЛ ўғлининг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

**1992 йил учун «Оқшом»га обуна давом этмоқда. Йиллик обуна нархи—25 сўм 68 тийин, ярим йилга—12 сўм 84 тийин. Нашр кўрсаткичи—64690.**



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

**Тошкент оқшоми**

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Ҳамма эълонлар ва тижорат хабарларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг эълонлар бўлими тайёрлаган. Маълумотлар ва эътирозлар учун телефон: 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41

⊙ 78.598 нусхада чоп этилади. ⊙ Нашр кўрсаткичи 64690. ⊙ Буюртма 6123. ⊙ Босмага бериш вақти 11.30. ⊙ Босмага берилди 11.30. ⊙ 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10